

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Bosh muharrir:
Minhojiddin MIRZO

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jalolbek YO'LDOSHBKOV

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV,

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Ahmad TO'RA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar

uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat va sport ishlari

vazirining birinchi o'rinbosari

Suvon NAJBIDDINOV

«Matbuot tarqatuvchi»

AK Bosh direktori

Abduvohob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi

mas'ul xodimi

Baxtiyor SAYFULLAYEV

O'zbekiston davlat san'at va

madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori,

professor

Rustam QOSIMOV

«O'zbekiston pochta»

OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz

guliston_j@exat.uz

Муқовада: 1-бет. Фарғона санъат саройи. Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган сурат.

USHBU SONDA:

Shuhrat SIROJIDDINOV

Kim, bu ma'nida Navoiy ruhi homiydur mango

Saidbek HASANOV

Bobur merosining teran ildizlari

Nilufar HAYITOVA

Igna bilan yaratilgan qo'shiq

ZULFIYA

Baxtim shul – o'zbekning Zulfiyasiman

O. GENRI

Soat kappiri

Dilmurod ISLOMOV

Doira san'ati darg'asi

Haydar MUHAMMAD

Sahna ortidagi hangomalar

Низомиддин ТУРСУНАЛИЕВ

Oskar Nimeyer muzeyi

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

«Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № . Adadi: 1100 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 18.02.2015- yilda topshirildi. Bosishga 18.02.2015- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Mezon Print» XK bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahri, Kichikbeshyog'och ko'chasi, 130-uy.



YUKSAK TARAQQIYOT VA FAROVONLIK SARI YANA BIR QADAM

«Агар сиз ўз келажак йўлингизни ўринли танлай билсангиз ва унга ўзингизнинг бор салоҳиятингизни, бутун қалбингизни бахш этсангиз, бахтнинг ўзи сизни қидириб топади, онгли ва узоқни кўзлаб қилган қатъий ҳаракатингизнинг ўзи сизни порлоқ келажакка олиб боради», деган эди алломалардан бири. Ватанимизда танланган олий мақсад йўли, барча соҳадаги ислоҳотлар, ўтган йиллар давомида амалга оширилган бетакрор ва бетимсол ишлар, бугунги эришилаётган натижалар юқоридаги ҳикматнинг ҳаётийлигидан далолат бермоқда.

Муҳтарам Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида қилган «Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари» номли маърузасида ўтган йилда барча соҳаларда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб янги истиқболли режалар тўғрисида гапирар экан, эришилган муваффақиятларни фахр билан таъкидлаб ўтди.

Айтилганидек, биргина ўтган 2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди. Яна бир жиҳатга эътибор берайлик, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланадиган иқтисодий ривожланиш борасидаги янгилашган рейтингда Ўзбекистон дунёнинг 190 та давлати орасида 2010 йилдаги 72-ўриндан 66-ўринга кўтарилди.

Дарахт ҳамма жойда ҳам бирдай кўкариб мева беравермайди, уруғ ҳар қандай жойда ҳам кутилган фурсатда бир текис униб чиқавермайди. Оддий мантқ борки, аввало ер-сув, шароит, эътибор ва меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам чин дилдан, аниқ мақсадни кўзлаб, машаққатларни енгиб, фидойиларча қилинган меҳнат кутилган самарани беради. Яхши боғбон боғни яшнатади, дейди доно халқимиз. Инсоннинг иқтидори, имконияти қачон юзага чиқади? Қачонки, бунинг учун муносиб шароит яратилса, қачонки, эзгу интилишлари қўллаб-қувватланса, ҳимоя қилинса, уларнинг барқ уриб ривожланиши учун катта йўл очиб берилса!

Мамлакатимиз 2014 йилда бизнесни юритиш шароити бўйича рейтингда 8 поғонага кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Бу шубҳасиз, биз юқорида айтиб ўтган юксак эътиборнинг натижасидир.

Яқинда Андижонда бўлганимизда маънавиятимиз жонқуярларидан бири Абдуваҳоб Нурматов бир гапни айтиб қолди:

— Қаранг, 90 йилгача Андижонда кунига ўртача 80-90 минг дона гишт ишлатилган бўлса, ҳозир айтиши-

ларича, кунига 1-1,5 млн. дона гишт етмаётган экан. Албатта, бу мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларидан далолатдир.

Ўйлаб қарасак, бундай мисолни Қорақалпоғистон Республикасидан тортиб мамлакатимизнинг ҳар бир худуди ҳақида айта оламиз.


Йил яқунларига бағишланган мажлисда таъкидланганидек, 2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози таъсирида дунёда қанчадан-қанча йирик корхоналар ўзини эплай олмай «синаётган», айрим давлатлар тобора қарз ботқоғига ботиб бораётган бир даврда йилига шунча объектнинг фойдаланишга топширилиши, унинг юқори суръатлар билан ишлашни таъмин этиш, албатта, осон иш эмас.

Аждодларимиз «Йўл қурганининг йўли очилар» деб бежиз айтмаганлар. Дарҳақиқат, бунёд этилаётган, таъмирланаётган замонавий йўллар мамлакат ривожига муҳим аҳамият касб этади. Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2014 йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари яқунлангани, 116 километрдан иборат икки полосали йўл кенгайтирилиб, тўрт полосали қилиб қайта қурилгани, шубҳасиз, ушбу йўллардаги қатновни 3 баробар ошириш имконини берди.

Шунингдек, катта қурилишлардан бири темир йўл соҳасига ҳам тўғри келади. Ўтган йили темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ҳамда модернизация қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борадаги янги лойиҳаларни амалга ошириш учун 630 миллион доллардан зиёд маблағ йўналтирилди.

Бу маблағнинг ярмидан кўпи Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга йўналтирилди. Айтишга осон, лекин Қамчи довони узра Фарғона водийсига ўтган киши кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаётган минглаб одамларни кўрганда, эзгу ният инсонлар қалбига қанчалар бекиёс куч бахш этишига гувоҳ бўлади.

Яратганга беҳисоб шукрки, бозорларимиз тўкин, нарх-наволар барқарор, тўйларимиз файзли. Бу ҳам бўлса деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор



меҳнати самарасидир. Ўтган йилда 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак галла хирмони бунёд этилди. Бу «Сендан ҳаракат, мендан барокат» деган ҳикматнинг ҳаётий ифодаси эмасми?

2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун 6 миллиондан зиёд кўчат экилди. Бозорларимиздаги тўкин-сочинлик ана шу борадаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Мажлисида таъкидланганидек, иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Буни бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайганида кўришимиз мумкин.

Тадбиркор — юртга мададкор. Бу соҳага берилаётган юксак эътибор туфайли тадбиркорларимиз қатори йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Улар сафи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирган, замонавий касб-хунарлар эгаси бўлган, янги фикрлайдиган ёшлар ҳисобига ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб боришига ҳисса қўшмоқда. Шуниси қувонарлики, мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткич деганидир.

Тинчлик, хотиржамлик, шукроналик, эзгу мақсад устувор бўлган юртга яратган ҳам файзи барокотини ёғдиради, дейди кўпни кўрган оталаримиз, оналаримиз. Ҳаётга боқиб, мамлакатимиздаги ўзгаришларга, халқимизнинг кундан кунга ошиб бораётган фаровонлигига қараб, бу сўзлар замирида қанчалар катта ҳақиқат ётганига амин бўламиз. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамлик учун яратганга шукроналар айтамыз, ўз навбатида, тинчликни қадрлашга, асрашга ҳар биримиз масъул эканлигимизни ҳам дилдан ўтказамиз.

Мамлакатимиз бўйлаб сафарлардан бирида Фазлиддин исмли кекса бир отахон билан суҳбатлашиб қолдик, у кишининг собиқ иттифоқ даври билан бугунги кунни қиёслаган биттагина гапи бизни ҳайратга солди:

— Қаранг ўғлим, аввалги даврда қишлоғимизда иккита хонадон эгаларининг автомашинаси бор эди, ҳозир мундоғ қарасам, иккитагина хонадонда автомашина йўқ экан...

Бу сўзлар асло муболаға эмаслигини ҳар биримиз кўриб турибмиз. Халқимизнинг харид қуввати, имконияти, даромади ошмоқда. Бу фаровонликнинг белгисидир. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Мустақиллик йилларида аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оилаларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга ва бу машиналар айнан юртимизда ишлаб чиқарилгани барчамизга мамнуният ва ғурур бағишлайди.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир бурчига, қай бир

қишлоғига борманг, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган янги уйларга, маҳаллаларга кўзингиз тушади. Бутун дунё эътироф этаётганидек, фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди. Бу уй-жойлар шаҳардагилардан асло қолишмайди, аксинча, шаҳарликларнинг ҳавасини келтиради.

Озодлик келтирган ободлик! Ватанимиз озодлиги, тўғри танланган ислохотлар йўли ҳар бир шаҳар ва қишлоқларимизга чинакам маънодаги ободлик олиб келди.

Шаҳарларимизни комплекс қуриш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Тошкент, Фарғона, Кўқон, Марғилон, Наманган, Урганч, Қарши, Термиз, Самарқанд ва бошқа кўплаб шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Бундан бир неча йиллар муқаддам хорижий нашрлардан бири Ўзбекистон ҳақида ёзар экан, «Бу диёрда ҳеч ким эътибордан четда эмас», деган эди. Дарҳақиқат, «Бу муқаддас Ватанда азиздур инсон!» Жамики амалга оширилаётган ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг бахту саодати учун!

2014 йилда ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилмоқда.


Ўтган йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани, айниқса, эътиборлидир. Таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди. Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг катта қисми ўз келажagini кичик бизнесда кўрмоқда. Банклардан имтиёзли кредитлар олиб ўз ишини очиш ҳисобига қанчадан қанча янги иш ўринлари яратмоқда. Интеллектуал соҳахияти, ишлаб чиқарган маҳсулоти, аҳолимизга кўрсатган хизмати туфайли мамлакат ривожига хизмат қилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасидаги ҳар бир фикр, ҳар бир мулоҳаза ва таклиф, устувор йўналишлар бизни янада ўйлашга, Ватанимиз равнақи, халқимизнинг фаровонлиги, юртимизнинг тинчлиги, ёшларимиз камолоти, тотувлигимиз замири ва асосларини янада мустаҳкамлаш борасида ўйлашга, янги режалар билан улуг мақсад йўлида ҳамжиҳат ишлашга ундайди. Маърузада таъкидланганидек, «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги, юксак марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».

Ҳа, таъкидланганидек, мамлакатимиз ўтган йиллар давомида қўлга киритилган улкан натижалар билан кифояланиб қолмоқчи эмас, балки янги йилда янги режалар, юксак марралар билан янада олға интилмоқда. Бир сўз билан айтганда, 2015 йилда Ўзбекистон юксак тараққиёт ва фаровонлик сари яна бир дадил қадам қўйди.



Kim, bu ma'nida Navoiy ruhi homiydur mango




Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бутун умри давомида адаб аҳлига раҳнамо ва ҳомийлик қилиб келганлиги билан ўрта аср ўзбек ва форс-тожик адабиёти, маданий ҳаётида чуқур из қолдирган. Унинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб шоирлар ижод этганлар, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилган, тасвирий санъат усталарининг ишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Навоийнинг ўз замондошларига кўрсатган бебаҳо ёрдамлари борасида жуда кўп тазкиранавислар, тарихчилар, шоирлар, олимлар ўз асарларида шохидлик билдириб кетганлар. Давлатшоҳ Самарқандий, Муъиниддин Исфизорий, Абдулғафур Лорий, Абдулвосеъ Низомий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Атоуллоҳ Асилий, Ҳусайн Кошифий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Шамсиддин Бадахший ва яна ўнлаб Навоий замондошлари асарларида фақатгина шохидлик зикрларини эмас, балки уларнинг Навоий шаънига битган турли мадҳияларини ҳам учратамиз. Жумладан, Камолиддин Ҳусайн воиз ал-Кошифий «Жавоҳир ут-тафсир» асари дебочасида Навоийнинг унга кўрсатган ёрдами, маслаҳатлари ҳақида гапириб ўтар экан, замондошларининг эътирофини умумлаштириб, шундай ёзади:

**Гавҳари дуржи каромат, ахтари буржи камол,
Офтоби авжи ҳашмат, сояи лутфи илоҳ.
Шаҳсувори арсаи иззат Алишер он ки ҳаст,
Волию-л аҳбобу довари давронпаноҳ.
Мустафиз аз нафҳаи гулзори фазлаш жону дил,
Мустанир аз ламъаи рои мунираш меҳри моҳ.
Давлати ў бо жаҳону, рифъати ў бо сипеҳр,
Фош мегўянд ҳар дам аз сари тамкину жоҳ.**

(Мир Алишер муруватли, саховатлилар ичида гавҳар янглиғ, камолот осмонидаги юлдуз, буюклик чўққисида нур сочар куёш. Илоҳий лутф каби унинг лутфи беҳаду беминнат. Унинг «фазл гулзори» фозиллигидан таралаётган ҳиддан жону дил файз топади. Унинг қиёфаси шунчалик нурунийки, биргина нигоҳи шуъласидан куёш ва ой нур олиб, ярқираб турибди. Амирнинг давлати жаҳонча ва тутган мавқеи осмон қадар юксакликда. Босиқлиги, камтарлиги ва шу билан бирга улуғлиги буни намоён этади.)

Ушбу қабилдаги мадҳиялар, қасидалар шоир ва давлат арбобининг ибратли ҳаёти мазмуни ҳамда улуғ мутафаккирнинг мафтункор ғазалиёти ва шавқангиз дostonлари, донишмандона ўғитлари билан зийнат топган илмий асарларининг таъсир кучини янада ошириб, кейинги асрларда, хусусан, туркий ижодкорлар ўртасида Навоийнинг маънавий устоз-пир сифатида машҳурлик тутишига олиб келди. Навоий мададига умидворлик ўз даврида моддий манфаатлар замирида вужудга келган бўлса, кейин-кейин

унинг руҳониятидан мадад сўраш кўринишига ўтиб, ижодкорнинг асар яратишга бутун куч-қудратни сафарбар этишига далда берган. Масалан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан хабар берувчи XV аср қўлёзма манбаларида улуғ шоирнинг ажойиб хаттот бўлганлиги ҳамда хаттотларга устозлик қилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Бу ҳол кейинги давр хаттотлари орасида Навоийнинг асарларини кўчириш орқали «хаттотлик мактаби»ни ўташ ва унинг ғойибий «оқ фотиҳа»сини олиш аънаналарини юзага келтирди. Чунончи, бухоролик Ёрмуҳаммад қори Бухорий, Абдулбоқий Бухорий, Мулло Наврўз Бухорий, самарқандлик Абдулхай Самарқандий, Мулло Муқимхон Самарқандий, қашқадарё воҳасидан Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Муҳаммад Раҳимхўжа Насафий, Тоҳирхўжа Шаҳрисабзий, Фарғона водийсидан мулла Рўзи котиб, Муҳаммад Амин Когоний, хоразмлик Муҳаммад Юсуф каби XIX асрнинг машҳур хаттотлари Навоий асарларини алоҳида меҳр билан кўчирганлар, заҳматкаш олим М.Ҳақимов қаламига мансуб Ўзбекистон Фанлар академияси қўлёзмалар институти фондидаги Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи китобида кўрсатилган 254 нусханинг икки юздан зиёдроғи XIX асрда китобат қилинганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, ўтган даврларда мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатиб ўтган бир қатор ҳукмдорлар шоиртаъб кишилар бўлган (масалан, Феруз ва Амирий-Ш.С.) ва улар фармойиш асосида Навоий асарларини кўпайтирганлар. «Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1709-рақамли «Чор девон»нинг охирига ёзилган хотимадан маълум бўладики, Кўқонда Навоий асарлари кўп китобат қилинган. Шу девоннинг хотимасида 1838 йили Муҳаммад Алихон буйруғи билан хаттотлар томонидан олти ой ичида уч юз адад Навоий «Чор Девон»ининг қўлёзмаси кўчирилиб, шерозали муқова қилинган...» Шу тарзда Алишер Навоий асарларининг заҳматкаш хаттотлар томонидан кўчирилган минглаб қўлёзма нусхалари вужудга келди. Навоий асарларидан маънавий озуқа олишнинг, ижодий баҳраманд бўлишнинг, унинг ажойиб аънаналарининг, айна чоғда ҳар бир давр бадиий китобат санъати ва ҳунармандчилигининг нозик маҳсули бўлган қўлёзмалар асрлар оша жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги қўлёзма захираларига тўпланиб борди. Ҳозирги кунда Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларнинг Берлин, Мюнхен, Вена, Париж, Рим, Санкт-Петербург, Душанбе, Боку, Тбилиси, Ереван, Ашхобод, Қозон, Лондон, Оксфорд, Кембриж, Дублин, Унсала, Нью-Йорк, Филадельфия, Истанбул, Техрон, Кобул, Ҳайдаробод, Қоҳира каби шаҳарларидаги Шарқ қўлёзмалари захираларида сақланмоқда. Хаттот ва котиб-



лар Навоий асарларини кўчиришда, бир томондан, хаттотлик маҳоратини орттисалар, иккинчи томондан, кўчириш жараёнида Навоий сўзи кудратининг нақадар кучли эканлигига янада каттиқ ишона бошлаганлар ва мафтункор шеърини сеҳри уларни батамом ўз оғушига олган. Кўпчилик хаттотлар Навоийнинг бирор бир асарини кўчириб бўлишгач, ўша асар руҳи таъсиридан чиқолмай, ўз таассуротларини китоб охирида қайд этиб кетишган. Тасаввур ҳосил бўлиши учун ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида 9367-инв.рақами остида сақланувчи Навоийнинг «Фаройиб ус-сиғар» девони сўнгида келтирилган мадҳияни тўлиқ келтириб ўтамиз:

**Сўз гулшанининг булбули гўёси Навоий
Маъни садафининг дури яктоси Навоий
Куръон ичида ёд қилиб, Ҳақ деди: — инсон!
Инсон чаманининг гули раъноси Навоий.
Исо каби жонбахш, сўзи жонга муассир,
Мусо каби маъни яди байзоси Навоий.
Ҳам муршид анго ҳазрати маҳдуми Жомий
Ул ваҳх илаким гавҳарафшоси Навоий.
Ҳам авжи фасоҳат уза шахбози маоний,
Ҳам қофи балоғат аро Анқоси Навоий.
Ҳам баҳри латофат аро гаввоси гуҳарсанж,
Ҳам боғи назокат гули ҳамроси Навоий.
Ҳар килки шакаррезлигининг сўзи ширин,
Сўз шакарининг тўттии шакархоси Навоий.
Ҳар бир газали ишқ элига ёри мувофиқ,
Сабр ояти мажлиси тарабафзоси Навоий.
Чун «Хамса» анго рутбада беш ганжи ҳақойиқ,
Девони муҳаббат, маю мийноси Навоий.
Ёзганда магар килки қазо назм ила отин,
Ул номага дебачаи афзоси Навоий.
Назм аҳли жаҳон базмида юз минг яна бешак
Ул зумра аро масруру аълоси Навоий.
Сўз шоҳидига бермади мундоғ киши зийнат,
Маъни юзининг ошиқи шайдоси Навоий.
Тахлиси келиб форсий девонида «Фоний»
Туркий сўзи назми аро тамғоси «Навоий»**

«Фаройиб ус-сиғар»нинг ушбу нусхаси 1836 йили (1252 хижрий) котиб Муҳаммад Юсуф ибн Уста Қаландар Марғиноний томонидан кўчирилган. Худди шу даврда, масалан, 1832 йилда Бухорода кўчирилган Навоий «Хамса»си сўнгида ҳам номаълум котиб томонидан улуғ шоир ҳақида ёзиб қолдирилган мисралар анчагина. Жумладан, у шундай ёзган:

**Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр,
Анинг ҳар сўзидур муаммо мисол,
Анго етмагандин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,
Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон...**

Шунингдек, XIX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган қаршилик котиб Муҳаммад

Раҳимхўжа Насафий ҳам Навоий «Хамса»сини кўчирар экан, улуғ шоирга бўлган меҳр-муҳаббатини 34 мисралик мадҳиясида юксак фахр билан қайд этади. Мазкур Хамса қўлёзмаси Самарқанд давлат университети шарқ қўлёзмалари фондида 1007734-рақами остида сақланиб, ундаги маснавийда, жумладан, шундай келтирилган:

**Йўқтурур баҳр аро наво чеккан
Бўйла булбул каби садо чеккан.
Баҳри маънида гавҳар кони,
Дуржи маънида Бу Али Сони.
Оллоҳ-оллоҳ не сўз деюр булбул,
Ўқуғондан очар юрак гул-гул.
Турфа сеҳрею, йўқ, эъжозе
Шеър аро кўргузуб неча созе
Мисраи сарвдек чунон мавзун.
Ҳар бирин зимнида неча мазмун.
Сўзи анфоси Исодин ширин,
Бори турлук чаман-чаман рангин.
Нукталар шеър аро чу хол келиб,
Тўқуб андоққи, жонфизой келиб...
Булбули хушнаво Навоийдур,
Комилу бо сафо Навоийдур...**

Кўринадики, котиблар Навоий асарларини кўчиришни шараф деб билганлар ва шу асар таъсирида ўз кечинмаларини қоғозга туширар эканлар, Навоий даҳосига яна бир карра таъзим этганлар ва ўзларининг шу улуғ зот авлоди эканликларидан бениҳоя фахрланганлар.

МАЪНИ САДАФИНИНГ ДУРРИ ЯКТОСИ...

Мазкур котибларнинг бири Навоий газалиётини кўчирган бўлса, бошқалари «Хамса» дostonларини китобат қилишган. Аммо барчаси жўровоз бўлиб, Навоийнинг ҳар байтида «жаҳон ганжи ниҳон» эканлигини эътироф этганлар. Котибларнинг асосий кўпчилиги форс адабиётини чуқур тушунувчи инсонлар эканлигини ва табиийки, кўплаб форс классиклари асарларини кўчирганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, ўз ўзидан равшанки, улар наздида Навоий газалиётини билан форс-тожик мумтоз адабиёти вакиллари газалиётини, Навоий «Хамса»си билан форсий «Хамса»ларни маҳорат даражаси жиҳатидан тарозида тортиб кўриш муаммо бўлмаган. Шу жиҳатдан улар Навоий ижодида «мана мен» деб бўй кўрсатган муҳим жиҳатни илғай олганлар, яъни мавзу, сюжет, жанр хусусиятларининг турфа ранглиги фонидида катта маънони мўъжаз мисраларга сингдира олиш даражаси Навоийда анча юксаклигини аниқлаганлар ва табиийки, улуғ шоир байтларга жойлаган маъно ҳамда мазмун оқимининг шиддатидан ҳайратга тушганлар ва пайдо бўлган ҳаяжон вулқони юқорида мазкур бўлган шеърлар шаклида отилиб

чиққан. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Шоирларни айтмайсизми? Истеъдодли лирик ва эпик шоир Муҳаммаднинг Нишотий «Хусн ва Дил» достони бошида Шарқ достонна-вислик мактабининг устодлари Шайх Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийларни таъриф қилар экан, Алишер Навоийга алоҳида муҳаббат билан қарайди:

**Шеър элидин ул ки муқаддам эди
Хар бири бир баҳри муаззам эди...
Яна бири булбули достонсаро,
Яъни Навоий эрур, ул хушнаво
Ўзга эрур донишу фарҳанг анга
Етти фалақдур ети авранг анга
Етти ақолим узадур моҳ ул,
Етти қалам аҳлигадур шоҳ ул.
Гулшани сўз топгали зеби вужуд,
Чеккан эмас булбуле андоқ суруд.
Буржи камол узра эрур офтоб,
Авжи мақол узра муалло жаноб.
Ўзга сухан аҳли эрур чун саҳо,
Чиқса қуёш бўлғуси ул бебаҳо.**

Қаранг, Нишотий буюк хамсанавислар орасида Навоийнинг «донишу фарҳанг»и ўзгачароқ эканлигини алоҳида бўрттириб кўрсатмоқда ва «сўз гулшанида андоқ суруд чеккан булбул» бўлмаганлигини айтмоқдаки, бу эътироф Навоийнинг биз тушунганчалик «Хамса»ни туркий тилда ёзганига ишора эмас, балки умуман хамсанависликдаги Навоий маҳорати ва мақомига тегишли таъкид эканлигини қайд этишни хоҳлар эдим. Худди шундай манзарани Шермуҳаммад Мунис ижодида ҳам кўриш мумкин:

**Воили мулки тариқат гар Низомийдур манго,
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манго.
Хотиримга Хисравийдин ҳар замон шуре етиб,
Баъда давроннинг бори ширин каломидур манго.
Пири Ансорий сўзидин чошни нутқим топиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳилизомийдур манго.
Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагоҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манго
Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,
Доим андин атрпарвар жон машомидур манго.
Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб фирдавсдек,
Гоҳ Ҳоқоний футуҳининг паёмидур манго.
Гоҳ таъбим Анварий нури била равшан бўлиб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манго.
Нусхаи таъкид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номаи иқбол номийдур манго.
Қилса ҳосид даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим
Ким, бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манго.**

Эътиборли жойи шундаки, мазкур шеърда Мунис форс-тожик адабиётининг кучли билимдони сифатида кўзга ташланади: У ҳар бир машҳур шоирнинг шеърятдаги ўзига хос

жиҳатларини кўрсатиб ўтар экан, салафлар ижодининг услубий ўзига хосликларини кашф этган ва ижодий ўзлаштира олган етук шоир сифатида ўзини намоён қилади. Навоийга келганда, Мунис унинг Шарқ адабиёти устунлари орасида сўз маъносини юқори чўққига кўтара олган санъаткор сифатида ажралиб туришини алоҳида кўрсатиб ўтади. Шу сабабдан уни бошқа бир ғазалида жаҳонгир деб атайди:

**Сўз ичра Навоийки жаҳонгир дурур,
Мунисга маоний йўлида пир дурур.**

Маълум бўладигани, Навоий ижоди ҳозирги даврдаги каби том маънода илмий ўрганилган бўлмаса-да, стихияли равишда форс-тожик шеърятини билан солиштирилган. Ҳар бир ижодкорнинг маҳорат даражаси белгиланган. Стихияли дейишимизга сабаб шуки, ўз маҳоратини оширишга бел боғлаган ҳар бир шоир ўз салафларидан муайян «сабоқ» олиши табиий. Бунда у тадқиқотчи ролида ўзидан олдин ўтган забардаст ижодкорлар «устахона»сини кўздан кечириш йўлидан боради. Шеърят оламидаги бир-бирига узвий боғланган анъаналар ва уларнинг ривожланиш босқичлари, жанрдаги ранг-баранглик ва уларнинг турли тилли адабиётларга кўчиш жараёни билан танишар экан, у ўзи эргашаётган маънавий устозининг ўзига хос услубини, илғор жиҳатларини илғамай ўтиб кетиши мумкин эмас. Навоийнинг сўзни маъно пардасига ўрашдаги юксак маҳорати шоирларнинг ижод мактабини ўташда дуч келган ана шундай амалий кўргазмаларидан асосийсидир. Шоир бежиз айтмаган:

**Оғаҳий, ким топгай эрди соз
назмнингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг
навосидин санго.**

Навоийнинг навоси — сўз ва маъно уйғунлиги улуғ шоирнинг барча халафлари ижодида ўзига хос тарзда ифода топиб, янги оҳанглар касб этди. Уларнинг жилвакор садолари буюк ўзбек шеърятини мақомини янада жозибали ва дилтортар бўлишига хизмат қилди. Қолаверса, юқорида номи келтирилган котиб ва шуаро томонидан Навоий ижодидаги муҳим хусусиятнинг Шарқ шеърятини фониде ажратиб кўрсатилишига юзакли мақтов эмас, балки чуқур изланишлар натижасида келинган илмий хулоса сифатида қараш лозим. Ушбу жиҳат ўз навбатида ҳозирги давр олимлари олдида ҳам маълум вазифалар қўйиши турган гап.

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори**



BOBUR MEROSINING TERAN ILDIZLARI



Ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк сиймолардан бири, улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур бизга бой қўлёзма мерос қолдирган. Унинг шеърий девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолаи волидийя» (таржима), «Муסיқа илми» ва «Ҳарб иши» каби илмий ва бадий баркамол асарлари жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган.

Маълумки, Бобур меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Айниқса, сўнгги йилларда унинг қўлёзма меросини излаш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Бобурнинг Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул Университети кутубхонаси, Тўпқопи кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур Навоби кутубхонасида сақланиб келинаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукамал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур дево-

нининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, улар илмий истифодага киритилмоқда. Хусусан, Ҳайдарободдаги Саларжанг музейи хазинасидан Бобур қўлёзма девонидан шу кунга қадар умуман, бирорта каталогда қайд этилмаган, XVII-XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлёзма нусхасининг маълум қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Бу қўлёзма нусхалар бир томондан Бобур шеърий меросини бойитишга ёрдам берса, бошқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик киритишда қўл келади. Ҳайдаробод девони 1188 (1774-75 м.) йили Жанобали Котибий томонидан кўчирилган. Мазкур нусхадан ҳажман кичикроқ бўлган иккинчи қўлёзманинг котиби ва кўчирилган йили қўлёзмада қайд этилмаган.

Шунингдек, Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган қўлёзма манбалар Ҳиндистоннинг Дехли, Калькутта ва айниқса, Мадрас шаҳридаги қўлёзма хазиналарида талайгина мавжудлиги аниқланди. Улар билан танишиш жараёнида Ҳиндистонда Бобур аъналарини давом эттирган, туркий халқлар адабиётига маълум ҳисса қўшган шоир, олим ва моҳир таржимонлар силсиласи юзага чиқа бошлади. Булар орасида Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо, ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Мирза Алибахт Азфарийларнинг бизгача етиб келган қўлёзмалари эътиборга лойиқдир. Хусусан, Бобурийзода Мирза Алибахт Азфарий Кўрагоний турли соҳаларга оид асарлар яратиш билан бирга Навоий ва Бобур асарларини таржима қилиб, ўзбек адабиётини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрнатқуч кўрсатган. Изланишлар натижасида биз Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарини Азфарий томонидан форсий тилга назм йўли билан ўгирган қўлёзма нусхасини Мадрас Университети кутубхоналаридан топишга муваффақ бўлдик. У ўз таржимасини Бобур «Аруз»ининг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атаган. Таржимон бу билан Бобурга ва «Аруз рисоласи»га бўлган чуқур ҳурмати ва эътиборини билдирмоқчи бўлади. Азфарийнинг мазкур асарларини алоҳида ўрганиш Бобур ижодининг бизга ҳали равшан бўлмаган томонларини очишда ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ўзбек адабиётининг бошқа вакиллари аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобурнинг шеърий назариясига оид яратган «Аруз рисоласи» қўлёзма нусхаларининг топилиш тарихи ҳам нисбатан унча узоққа бормади.



Бу асар ҳақида илк бор турк олими Фуад Кўпрулузода ахборот берган. У 1928 йили Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзма Бобур асари эканлигини «Турк мажмуаси»нинг иккинчи жилдида эълон қилган мақоласида исботлаб берди. Кейинчалик француз шарқшуноси Э.Блоше ҳам 1933 йилда буни тасдиқлади. Бобур рисоласининг Париж қўлёзмаси турли сабабларга кўра илм аҳлига, айниқса, ўзбек адабиётшуносларига маълум эмас эди. Ватанимизда у ҳақдаги биринчи хабарни Мақсуд Шайхзода Ф.Кўпрулузоданинг мақоласи билан танишгач, «Ўзбекистон маданияти» (1964 й. 4 июль) газетасида «Кўшиқлар» мақоласида эслатиб ўтган.

Бундан хабар топган йирик навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон ўзининг Англия ва Францияга қилган илмий сафари натижасида Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарининг ўша даврда яққаю ягона ҳисобланган қўлёзмасини Ўзбекистонга олиб келишга муваффақ бўлди ва уни биринчи бор нашр қилдириб, илмий муомалага олиб киришда катта хизмат кўрсатди.

Шундан сўнг уйғур адабиётшуноси М.Ҳамроев Бобурга мансуб аруз ҳақида ёзилган рисоланинг бошқа бир қўлёзма нусхаси Шарқий Туркистоннинг Кучар шаҳрида сақланаётганлигини ўз китобида маълум қилди. Кейинчалик бу асар қўлёзмаси Мадрас Шарқ қўлёзмалари фондида ҳам мавжудлиги аниқланган бўлса-да, лекин бу нусхалар ҳанузгача топилгани йўқ. Қувончли хабарлардан яна бири шундан иборатки, шу кунларда Бобур Халқаро Жамғармаси томонидан ўтказилган илмий анжуман муносабати билан ватанимизга ташриф буюрган йирик навоийшунос олим Яъқуб Воҳидий Жузжоний ва истеъдодли олима Шафика Ёрқинлар Бобурнинг бу рисоласи қўлёзмасининг яна битта нусхаси ҳозир Афғонистонда топилганлигини хабар қилдилар.

Бобур ижодида «Мубаййин» асари ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу асарни ўрганиш ишлари Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг рўёбга чиқа бошлади. Бу асарни ўрганиш ва ватанимизда мавжуд қўлёзмалари асосида унинг матнини нашр қилиш бўйича илк қадамлар қўйилган. «Мубаййин» ислом дини асосларини баён этувчи йирик асардир. У ўзбек тилида яратилган бўлиб, диний ва бадиий адабиётнинг ёрқин намунаси ҳамдир. Бу асарнинг қўлёзмалари ватанимиз ва хорижда кенг тарқалган. У нафақат адабиётшунослар, балки исломшунос, тарихчи, файласуф, иқтисодчи, тилшунос, педагог ва бошқа қатор соҳа олимлари учун қимматли манба бўла олади.


Маълумки, ўтган асрда Туркияда нашр этилган Ислом тадқиқотлари институти каталогидан Бобур асарлари қўлёзмасининг энг қадимги ва энг нодир нусхаси Эронда сақланаётганлиги маълум қилинган эди. Каталог муаллифининг сўзига кўра, бу қўлёзма ҳижрий 931, мелодий 1524-25 йил, яъни Бобур ҳаётлиги даврида кўчирилган бўлиб, ўз навбатида қўлёзма хусниҳат ва китобат санъатининг юксак намунаси эканлиги бобуршунос олимларнинг унга бўлган қизиқишини ниҳоятда оширган эди.

Биз ҳам Бобур асарлари тўплами қўлёзмасининг Эронда сақланиб келинаётган нусхаси ҳақида Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйи арафасида хабар топган эдик. Бу нусха ўша кезлари Салтанат кутубхонасининг мулки ҳисобланиб, кейинчалик унинг сақ-

ланиш жойи бир неча бор ўзгарганлиги туфайли бу қўлёзма нусха ҳақида аниқ маълумот ололмагандик.

Биз Техрон шаҳрида ўтказилган XVII Халқаро китоб кўргазмаси муносабати билан Техрон музейлари ва кутубхоналари фондлари билан бирма-бир танишиб чиқдик ва бу сафарнинг қувончли воқеаларидан бири ўлароқ, Салтанат кутубхонасида сақланиб келаётган Бобур асарларининг тўплами қўлёзмаси Техрон Миллий кутубхонасида сақланаётганлигини аниқладик. Сафар чоғида эронлик расмий мутасадди ходимлар билан суҳбат ўтказилиб, бу қўлёзманинг нусхасини Техрон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда нашр қилишга ҳам келишиб олинди. Орадан кўп вақт ўтмай, Эроннинг Ўзбекистондаги маданият ишлари ваколатхонаси ходимлари Бобур куллиёти қўлёзмасининг бир нусхасини Бобур Халқаро жамғармасига, иккинчисини Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейига топширдилар. Техрон Миллий кутубхонасида 2249 инв. рақами остида сақланаётган бу қўлёзмани ўрганиш натижасида бу нусха Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг тўпламидан иборат эканлиги маълум бўлди. Қўлёзма нусханинг биринчи саҳифасида қўлёзманинг «Гулистон» ва «Давлати олийи Эрон» кутубхоналарига мансублиги ҳақидаги муҳрлар босилган. Унда қўлёзма 935 ҳижрий (1528 милодий) йилда кўчирилганлигига далолат бор. Лекин қўлёзманинг ўзида унинг кўчирилган йили ва котиби ҳақидаги маълумотларни излаб тополмадик. Бу қўлёзманинг охирида жойлашган асар «Рисолаи волидийя»дир. Бу рисоланинг ниҳояси билан қўлёзма яқун топган. Рисола охирида Бобур уни 935 ҳижрий йилида ёзиб тугатганлигига ишора қилган. Назаримизда, ана шу асарнинг ёзиб тугаллаганлиги ҳақидаги Бобур маълумотини ушбу қўлёзмани тавсиф қилган ходим қўлёзманинг яратилган тарихи бўлса керак, деб ҳисоблаган. Аслида эса бу қўлёзма, фикримизча, XVII аср охирига мансубдир.

Қўлёзма Бобурнинг «Мубаййин», «Аруз рисоласи», «Бобурнома» ва Хожа Аҳрорнинг «Рисолаи волидийя» асарининг таржимасидан иборат бўлиб, жами 1036 саҳифани ташкил этган. Шу жумладан, «Мубаййин» асари 2-184, «Аруз рисоласи» асаридаги бир байт тақтиғи ва рисоланинг назарий қисми 187-455, «Бобурнома» 457-1010, «Рисолаи волидийя» 1013-1036-саҳифалардан жой олган. Бу қўлёзма нусхага кирган биринчи асар «Мубаййин» рисоласидир. Унинг унвон қисмида «Кутубхонаи салтанати Эрон» ёзувли муҳр босилган. Ундан қуйироқда, бу китоб 1272 ҳижрий йилнинг жума куни, 14 рабиъул-аввал ойида, мелодий 1855 йилда таҳрир қилинди» мазмунида форс тилидаги қайд бор. Шундан сўнг рисола матни бошланади. Бу қўлёзма таркибига кирган «Мубаййин» рисоласини Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма фондларида сақланаётган нодир нусхалар матни билан солиштириш натижалари шуни кўрсатадики, Техрон нусхаси бизда мавжуд бўлган нусхалар матнларидаги айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда ўта муҳим манба вазифасини бажариш билан бирга муаллиф матнини тиклашда бевосита хизмат қилиши мумкин. Чунки бу қўлёзмада асар матни остидаги форс тилидаги сўзма-сўз таржима ва ҳошиялардаги сўзларнинг тўғри ўқилишини белгилаб берувчи шарҳлар ўзбекча матни ўқувчи



томонидан тўғри ўқиб, унинг мазмунини енгил ўзгартиришга қаратилган.

Бундай мураккаб ва катта меҳнат талаб иш «Мубайин» билан бир қаторда «Аруз рисоласи», «Бобурнома» ва «Рисолаи волидийя»ларга нисбатан ҳам қўлланилганлиги Техрон қўлёзма нусхасининг ютуқ жиҳатларидан бири, деб ҳисоблашга лойиқ эканлигини кўрсатади. Лекин, шунга қарамасдан, бу нусхада ҳам ўзига яраша кам-кўстлар мавжудлиги уни бошқа қўлёзмалар билан таққослаш жараёнида кўзга ташланиб туради. Мисол тариқасида айрим сарлавҳаларнинг йўқлиги («Аввалги мўмин биҳнинг шарҳи» 7-саҳифа; «тақдирга ишорат» 12-саҳифа; «Ишорат ангаким қибла тақфири жоиз эмас» 21-саҳифа; «Ишорати имомга» 21-саҳифа; «Ишорат аросатнинг мавқеиға» 25-саҳифа; «Намоз фарзининг баёни», «Намоздан ташқари олти фарзнинг баёни», «Сувнинг масойли» 33-саҳифа ва ҳоказо) ёки 700 дан ортиқ байтнинг тушиб қолиши ва Қуръондан келтирилган оят ва дуоларнинг бу нусхада келтирилмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўз навбатида Техрон нусхаси бизда мавжуд қўлёзма нусхалар матнларига ҳам анча тузатишлар ва қўшимчалар киритишга хизмат қила оладиган даражадаги манба дейишга асос бор. Бу эса «Мубайин» асарининг нашри ва ҳатто унинг илмий-танқидий матни яратилганлигига қарамай, бу борадаги ишлар келажақда ҳам давом этиши зарурлигини кўрсатади.

Техрон нусхаси таркибига киритилган иккинчи асар «Аруз рисоласи»дир. Маълумки, Бобурнинг шеърят назариясига оид яратган «Аруз рисоласи» асари Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон» асарида кейин ўзбек арузи ҳақида ёзилган йирик рисоладир. Бу асар ўз навбатида йирик антология ҳамдир. Асарда XI-XVI асрда яшаб ижод этган 60 дан ортиқ шоирлар номлари эслатилади ва уларнинг асарларидан парчалар келтирилади.

Шу кунга қадар мазкур асар қўлёзмасининг яккаю ягона ҳисобланиб келинган, Париж Миллий кутубхонасида (инв. рақами 1308) сақланаётган қўлёзмасигина маълум эди. Бу нусха котиб Муҳаммад Самарқандий томонидан Бобур вафотидан атиги 3-4 йил ўтгач (940 ҳижрий йили, 1533-34 милодий) кўчирилган бўлиб, табиийки, у қадимийлиги нуқтаи назардан муаллиф матнига яқин бўлган нусха ҳисобланиб келинмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур ўз рисоласининг иккинчи қисмида истеъмолдаги ҳамма вазнларга форс ва туркий шеърлар билан мисоллар келтиради. Ҳар бир байт тўғрисида унинг муаллифи номини кўрсатади. Муаллифи кўрсатилмаган шеърлар Бобурга мансуб эканлиги Париж нусхасида эслатилган. Афсуски, Техрон нусхасига асарнинг бу қисми кирмай қолган. Айнан асарнинг шу қисмида Фирдавсий, Саъдий, Хисрав Дехлавий, Абдуллоҳ Хотийий, Анварий Девона, Аҳмад Ҳожибек, Биноий, Бойсунғур Мирзо, Юсуф Андижоний сингари 60 дан ортиқ ижодкорларнинг асарларидан намуналар келтирилган.

Бобурнинг Техрон қўлёзмаси таркибига кирган навбатдаги асари «Бобурнома»дир.

Маълумки, «Бобурнома»нинг илк нодир қўлёзмалари мавжуд бўлишига қарамасдан, сўнги вақтгача асарнинг илмий-танқидий матни яратилган эмас эди.

Бу ҳол асарни нашр этишда ҳам, бошқа тилларга

таржима қилишда ҳам қўплаб нуқсон ва камчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бу ўлмас обидани нашрга тайёрлаш, уни таржима қилиш билан шуғулланган йирик шарқшунослардан Анетта Бевериж, Порсо Шамсиев, Солиқ Мирзаев, Сабоҳат Азимжонова, Файбулла Саломов ва бошқалар асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш жуда зарур ва ҳаётий масала эканини алоҳида уқтириб ўтганлар. Бу ғоят мураккаб, масъулиятли, айна пайтда эзгу ишни адо этиш япониялик атоқли бобуршунос, профессор Эйжи Манонинг зиммасига тушди. Унинг қарийб ўттиз йиллик сермашаққат меҳнати самараси 1995 йилда илмий жамоатчиликка тақдим этилди. 1996 йилда эса шу нашрнинг давоми сифатида мукамал «Кўрсаткичлар» алоҳида жилд ҳолида чоп этилди.

Мазкур танқидий матн асл нусха тилидаги тўртта (Эльфинстон, Ҳайдаробод, Британия кутубхонаси ва Қозон босмаси нусхалари) ва форс тилидаги бир қўлёзма нусха асосида тайёрланган. Бундан ташқари, Э.Мано яна иккита форсча қўлёзмадан — Янги Деҳли Миллий музейидаги «Воқеоти Бобурий» деб номланган қўлёзма ва Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхадан фойдаланган. Шундай қилиб, муаллиф «Бобурнома»нинг еттита қўлёзмаси, тўртта ўзбекча ва учта форсча нусхасидан фойдаланган, танқидий матнга Ҳайдаробод нусхасини асос қилиб олган. Эйжи Мано «Бобурнома»нинг ҳар жиҳатдан мукамал, барча мавжуд қўлёзмаларга асосланган ва улардаги текстологик фарқлар кўрсатилган матнини яратганлигига қарамай, ушбу ноёб асар матнининг муаллиф матнига яқин ва энг ишончли бўлган нашри устидаги ишлар келажақда ҳам давом эттирилиши лозим эканлигини ва Эрон нусхаси бу ишда қўл келиши мумкинлигини алоҳида қайд қилиб ўтган.

Афсуски, Техрон нусхасига кирган «Бобурнома» асари тасаввур қилинганчалик қадимий ва тўлиқ бўлиб чиқмади.

Шундай қилиб, Техрон қўлёзма нусхасини бошқа қўлёзмалар билан қиёслаш натижасида шуни айтиш мумкинки, Бобур асарларининг муаллиф қаламига энг яқин бўлган ва энг ишончли матнини яратишда ўзига хос ҳамда бетакрор манба сифатида истифода қилишга лойиқ ва эътиборли нусха эканлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак бўлади. Ҳозирча Бобур меросининг чет эллардаги мавжуд қўлёзмаларининг бир қисмигина қўлга киритилди. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган катта қисми билан танишмоқ, уларни олиб келмоғимиз зарур.

Бу меросни чуқур ўрганиш, илмий муомалага киритиш, бир томондан, Шарқ халқларининг муштарак бўлиб келган маданиятини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилса, бошқа томондан, бундай ҳамкорлик халқларни бир-бирларига яқинлаштириб, дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Саидбек ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи директори

ЖАҲОН ОЛИМЛАРИ БҮЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

Барбара ПОТРАТА, Лид Университети Саломатлик Тадқиқотлари Институтининг маърузачиси ва Кембриж Форумининг Марказий Осийё бўйича илмий тадқиқотчиси (Буюк Британия):

— Мен Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий каби ўзбек алломаларининг ҳаёти ва ижодини катта қизиқиш билан ўрганганман. Ибн Сино тиббиётнинг тамал тошини қўйган олим. Унинг ёзган китоблари ҳамон катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бугун докторлар замонавий ускуналар ёрдамида беморларни текшириб ташхис қўяётган бўлса, Ибн Сино ҳеч қандай аппаратсиз аниқ ва тўғри ташхис қўя олган.

Магида Салаҳ МАҲЛУФ, Қоҳира университети профессори, филология фанлари доктори (Миср):

— Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини биринчи бўлиб араб тилига таржима қилдим. Менда Амир Темур шахсига қизиқиш юқори эди. Уни ўрганиш жараёнида теурий шахзодалар ичида Бобур эътиборимни тортди. Самарқанд теурийлар даврида жуда гуллаб-яшнаган ва маданият, илм-фан маркази бўлган. «Бобурнома»ни қизиқиб ўрганиб чиқдим. Бобурнинг сабрбардошини, ўз Ватанига меҳрини жуда хурмат қиламан. У зукко ва заковатли шоҳ эди. Шунингдек, Беруний, Ибн Сино, Ал-Форобий, Аз-Замахшарий, Улуғбек каби алломалар юрти бўлган Ўзбекистоннинг ютуғи, истиқболи доимо эътиборимда бўлиб келган.

Шаҳид ТАСЛИМ, Умуммиллий Ислам университети халқаро тадқиқотлар академияси доценти (Ҳиндистон):

— Ўзбек мутафаккирларидан Алишер Навоий ижоди алоҳида эътиборимни тортган. Нью-Дели университетида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераман. Бу жараёнда, албатта, Навоий шахси, у томонидан ёзилган асарлар ҳақида гапириб бераман. Алишер Навоий шахсини ўрганар эканман, унинг нафақат зўр шоир, балки яхшиликни, эзгуликни, самимийликни шиор қилган, ҳаммага ёрдам беришни истайдиган улуг инсон эканини англадим.


Эвелин РАГГ, Вестминстер университети сиёсатшунослик академияси директори, профессор, Бранденбург технология ва инновациялар тараққитини қўллаб-қувватлаш институтининг бошқарув кенгаши директори:

— Шарқ алломаларидан Мирзо Улуғбек яратган мактаб, илмий мерос билан танишиш жараёнида унинг нақадар буюк олим бўлганини ҳис қилдим. Улуғбек-

нинг астрономия илми ривожига қўшган ҳиссаси жаҳон олимларини бугунгача ҳайратлантириб келади. Мен Мирзо Улуғбек қурган расадхона ҳақида кўп эшитгандим, ўқигандим. Самарқандга келиб, ушбу расадхонани ўз кўзим билан кўрганимдан бахтиёрман.

Анхелес Лопес АГУЕРА, Сантьяго де Компостела университети профессори (Испания):

— Мен Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман ва кейинги йилларда бўлаётган ўзгаришлардан ҳам яхши хабардорман. Буюк Ипак йўли Ўзбекистон худудидан ўтганлиги юртингизнинг дунё маданиятларини туташтирувчи муҳим халқа бўлганлигидан далолатдир. Тарихдан маълумки, аждодларингиз турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритган. Мен физикман, шунинг учун Ибн Сино, Беруний ва Улуғбеклар қолдирган бой илмий мерос илмий фаолиятимда муҳим манба бўлмоқда. Уларнинг илмий ишлари замонавий технологиялар пайдо бўлишидан қарийб минг йиллар олдин яратилганлиги ҳайратланарлидир.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIGA XIZMAT QILAMAN!


Бир дона буғдойдан хирмон яратаётган, қадоқ қўллари-дан барака ёғилаётган деҳқон юртдир бу. Дарвозаси ёнидану сўрилари ёнбошидан анвойи гуллар салом бераётган боғбон юртдир бу. Бухорони бир кўрсайдим, Самарқандга бош урсайдим, Тошкент гуллари-дан терсайдим, Шаҳрисабзда ўсган майсаларга юз чайсайдим, деб дунё интилаётган қадамжо маскандир бу — Ўзбекистондир бу!


Ўзбек яралибдики, садоқат ва вафо оғушида яшайди. Гўдаклигиданоқ меҳру шафқат ўзбек боласининг парвонасидир. Кун-тун самимият ва иззат унга гирдикапалак.

Оилада чақалоқ туғилиши билан бутун маҳалла эшитади. «Суюнчи!» «Хушxabар!» «Умри билан берган бўлсин!» Унга исм қўйишади. Пири бадавлат отахонлар мурғак кулоғига азон айтишади. Яхши тилаклар тилашади. Дуолар қилинади: «Илоё, умри узун, ризқи бутун бўлсин! Она юртига содиқ посбон, ота-онасига муносиб ўғлон бўлсин!»

Ватанга муҳаббат руҳи шундай сингиб борар экан инсон вужудига. Мана шу гўзал боғлар бизники, азим дарёлар, минг йиллик булоқлар бизники, мухташам шаҳарлар, мафтункор қишлоқлар, бошидан қор аримай-диган тоғлар, бўталоқларини эргаштирган туялар, тойчоқларини эмизаётган биялар, бўзтўрғайжонлар наво қилаётган саҳролар бизники. Бугунги кун илм аҳли кўзларига тўтиё қилаётган илмий, маънавий, диний-маърифий мерослар бизники — ўзбекиники. Бу — улкан хазина. Хазинага эса кўз тикканлар кўп бўлади. Уни асраш керак. Уни қўриқлаш керак. Уни билиш, кадр-қимматини тушуниш керак. Авайламоқ, асрамоқ, юракка жойламоқ, севмоқ керак. Ўзни қарздор сезмоқ керак. Худди бутун бору йўғини, соғлигини гўзаллигини, кўзларининг нури, сочларининг қорасию жилосини, томирларидаги қудрат, суякларидан қувватни бизга бериб, бугун биздан ҳимоя, суянч кутаётган муҳтарам она олдида қарздордек, қарздормиз Ватан олдида. Зеро, Ҳадиси шарифда айтилганидек, «Ватанни севмоқ иймондандир».

Айни Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаётган ҳар бир йигит-қиз иймонлидир, эътиқодлидир. Юрт тинчлигини қўриқлаётган мардлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга, шерюрак чегарачилар ҳузурига борганда, юртимиз осмонини қўриқлай-диган ҳарбий ҳаво ҳужумига қарши қўшинларни, учувчиларни кўриб, Жиззахда таълим олаётган Олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари машғулотларини, Чирчиқдаги Олий ҳарбий танк кўмондонлиги билим юрти азаматлари ўқув машғулотларини кузатиб фахр-ифтихорга тўласан киши. Шундай қудратли армиямиз борлигидан биз хотиржам яшаяпмиз. Ҳа, Ўзбекистон — азалдан оловюраклар юрти. «Йигит сўзидан қайтмас, арслон изидан» дей-диган бир сўзли мардлар юртидир бу. Дунёда давлатлар кўп. Уларнинг ҳар бирининг байроғи ўзи учун азиз. Аммо азиз байроқлар ичра азизи, кўзларимизга иссиғи Ўзбекистон байроғи. Дунёдаги энг чиройли, энг мазмунли, жон қадр яқин байроқ — Ўзбекистон байроғи. Кўзларга суртсак, равшан тортар чашми қароғимиз, у қудратимизнинг, бахтимизнинг байроғи!





Хар гал ҳарбийларнинг «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан» деган қатъий, мардона сўзларини эшитганимда қалбимнинг тубтубини фахр, ифтихор, гурур, шукроналик ҳисси чулғаб олади. Аслида Ватанга хизмат ҳар бир касб эгасининг биринчи галдаги вазифаси. Қайсики ишга қўл урмайлик, унга ватанпарварлик, фарзандлик бурчи билан ёндашиш эртанги кунимизнинг фаровон ва осойишта ўтишига қўйилган қадам бўлиб хизмат қилади.

Бобуржон ВАЛИЕВ, майор:



— Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олганман. Тактик ҳаво десант факультетида ўқиш жараёнида соҳамнинг барча сирасрорларини мукаммал ўрганишга тиришардим ва келгусида ҳам таҳсил олаётган йўналишимда ҳарбий хизматни ўташни истардим. Ниятим ушалди, билим юртини тамомлаб, ҳаво десант батальонида ҳарбий хизматни бошладим. Яқинда Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг илғор батальон командири» номинацияси ғолиби бўлдим. Қуролли Кучлар академиясига ўқишга киришим менинг қўл етмасдек туюладиган орзуларимдан бири эди. Бу ҳам насиб қилди. Қуролли Кучлар академиясидаги таҳсил давомида инглиз тилидан етти ойлик курсни ҳам тамомладим. Қўлимдан келган меҳнатнинг қандай тури билан бўлса ҳам ватаним корига ярасам, дейман.

Бир неча йиллик кузатишларим давомида бир нарасага амин бўлдимки, бугунги куннинг аскарари фақат ҳозирни ўйлаб яшамайди. Уларнинг аниқ мақсади бор. Берилган вазифанинг ҳаётдаги аҳамиятини ҳис қилиб туради. Ўғлим Шоҳжаҳон бир ёшдан ошди. Келажақда қизиқишларини инobatга олиб, ўғлимни ҳам ҳарбий хизматга тайёрлаш ниятим бор.

Гулнора ХОЖИМУРОВА, Катта лейтенант:


— Отам ички ишлар соҳасида ишлагани учун у кишининг формаси менда доим қизиқиш уйғотиб келган. Вақти келиб журналистикани танладим. «Ватанпарвар» газетасида иш бошладим. Журналистман, ҳарбий унвоним бор. Касбимдан мамнунман. Аёл киши бўлганим учун қийналсам керак, деган ҳадиклар бугун менга бегона. Оила аъзоларим, турмуш ўртоғим доим мени тушуниб, имкон яратиб беришади. Уларнинг таянч бўлиши менга жуда муҳим.



Ҳозирда катта лейтенантман, Ватанимга хизмат қилиш менинг бурчим.

Жасур АБАЗОВ, капитан:

— Отам Абдусами Авазов ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси бўлгани учун уйда ҳам спорт билан шуғулланишни қанда қилмасди. Ёшларга ўргатган қоидаларига, аввало, ўзи риоя қиларди. Тонгги бадантарбия, отамнинг соҳа бўйича берган ўғитлари мени аввал спортга яқинлаштирган бўлса, кейинчалик ҳарбийликка йўналтирди. Ҳар иккисидан ҳам доим руҳий қувват олганман.



Жорий йилда Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг яхши взвод командири» номинациясида ғолиб бўлдим. Ҳамма муваффақиятларим замирида юртимиздаги барқарор тинчлик, биз ҳарбийларга қаратилаётган эътиборни кўраман. Ҳамиша таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

ВАТАН БАЙРОҒИНИ ЎПГАН ЙИГИТЛАР

**Шукур, сиз урушга кетганингиз йўқ,
Шукур, сиз тинчликнинг аскарларисиз.
Дуо қилаётган юртга бир қаранг,
Сиз унинг тожисиз, гавҳарларисиз.
Тало-тўп вокзалнинг бир чеккасида
Сизга қарайвериб ўйлайвердим жим,
Юрт сенга ишонар, алпкелбат укам,
Юрт сенга ишонар, шарткесар иним.
Вокзал. Кулгу, ҳазил, севинч ёшлари
Кезар нон ҳидидек азиз хаёллар.
Энди сиз кетгандан келгунингизча
Тиконлар устида ётмас оналар.
Энди гурур билан боқар оталар,
Юрак гулханидан кўздаги ўтлар.
Энди фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.
Нон тишлатар одат, энг қадимий урф,
Умид уй тўрида порлаб туради.
Тишлам нон — момолар сақлаган ирим**

**Сени уйғоқликка чорлаб туради.
Уйғоқлик — пойингга дон излаб келган
Митти кушчаларни синглим деб сийлаш,
Уйғоқлик — ҳар тошнинг ёнида ўсган
Ҳар битта гиёҳни укам деб ўйлаш.
Ватан деганингда дилингда отган
Оппоқ саҳарларга саломлар айтгин,
Ишонч осмонига учирма бўлган,
Оққушим, соғ ғайтгин, саломат қайтгин.
Илоё, соғ қайт!
Келинчак кирмаган йўлинг соғ қайтсин,
Куёвбелбоғ боғлар белинг соғ қайтсин.
Беғубор дилингда ҳарбийда ўсган,
Ватан меҳри деган гулинг соғ қайтсин.
Илоё, соғ қайтсин қора кўзларда
Фурур гулханидан чакнаган ўтлар,
Ахир, фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.**

Зулфия МҶМИНОВА

Guliston 2015/1 13



KEKSALARGA ENTIROM KO'RSATISH

asriy qadriyatlarimizdandir

2015 йил Президентимиз томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинди. Ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг асрий анъаналаридандир. Истиқлол йилларида кексаларга бўлган эътибор янги даражага кўтарилди. Мамлакатимизда ўртача умр кўриш кўрсаткичлари йил сайин ошиб бораётгани ҳам кексаларга давлатимиз томонидан қилинаётган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Бугун юртимиздаги ёши улуғ инсонлар ҳар қачонгидан хурсанд. Кўрсатилаётган эҳтиром улар кўнглини тоғдек кўтарган.

Тўти ЮСУПОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Кўпчилик қарияларда мен ҳеч кимга керак эмасман, деган ўй бўлади. Бу қариликдаги инжиқлик бўлса ҳам, ажабмас. Мен ҳамон яқинларимга керак эканлигимни ҳис қилиб яшаяпман. Ёшим катта бўлишига қарамай, ҳамон кадрдон театримда ишляпман. Орада соғлигим билан боғлиқ муаммолар бўлганди. Ишхонадагиларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида касаллигим ҳам эсимдан чиқиб кетди.

Яқинда бир тадбирда қатнашдим. Кўплаб меҳнат фахрийлари йиғилган экан. Уларнинг кўзидаги, юзидаги хурсандчиликни тил билан таърифлаб бўлмайди. Сўзга чиққан ҳар бир инсон Президентимизга раҳмат айтди. Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам Президентимизга бизни доимий равишда рағбатлантириб келаётганлари учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчи-



ман. Илоҳим, умри узоқ бўлиб, кўп йиллар юртимизга бош бўлиб юриш у кишига насиб қилсин!

Рихси ИБРОҲИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Президентимиз юртимиздаги ёшу қарига бирдек эътиборда бўлиб келган. 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилганидан кейинги хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Биз кекса авлод ўзимизга бўлган бундай юксак эътибордан беҳад шод бўламиз.

Агар ўйлаб қарасам, театримизнинг аксарият дарғалари 70-80 ёшга етмай оламдан ўтган. Бугун халқимизнинг ўртача умр кўриши ортиб бормоқда. Миллий театрда ҳам ёши улуғ санъаткорлар кўплиги ҳаммани хурсанд қилади.

Биз уруш йилларининг қийинчиликларини кўрган авлодмиз. Шунинг учун умрни қадрлашга ўрганганмиз.

Эсимда, 1945 йилда мактабга чиққан эдим. Оёғимга кийиш учун ҳеч нарсам йўқ. Латтани қалин қилиб боғлаб, устидан чарм ўраб кишни ўтказганман. Бугун набираларим мактабга машинада бориб-келишмоқда. Уларнинг ҳаётига ҳавас қиларли. Ва уқтираманки, бу кунларнинг қадрига етиш керак!




Теша МЎМИНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ота-онам еттита фарзандни дунёга келтириб, олтитасини тупроққа қўйган. Мен туғилганимда киндигимни теша билан кесиб, исминини Теша қўйишган. Тешадек қаттиқ бўлсин, узок умр кўрсин, деб ният қилишган.

Ота-онам болалик пайтимдан уқтирарди, «болам, ёши катта инсонларга доимо ҳурматда бўл! Салом беришни қанда қилма! Қўлида юки бўлса уйигача олиб бориб бер! Уларнинг олдидан югуриб ўтиб кетма. Рухсат сўраб, кейин ўт!» Умрим давомида уларнинг насиҳатларига имкон қадар амал қилдим. Ёшлик пайтида кексаларни эъзозлаган инсонлар қариганда ўзи ҳам қадрланишини ҳис қилдим.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини марок билан ўқиганман.

Ушбу китобда буюк боболаримизга эҳтиром кўрсатган ҳолда ёши улуг инсонларни эъзозлаш азалий қадриятларимиздан эканлиги алоҳида таъкидланган. Бугун бизнинг осмонимиз мусаффолиги, жаҳонда тенглар ичра тенг эканлигимиз нимадан далолат беради? Фикримча, кўп эзгу ишлар қаторида ота-боболаримиз хотирасига кўрсатган эҳтиромимиз туфайли ҳам шундай дориломон кунларда яшайпмиз. Мустақиллик йилларида Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий каби қанчадан-қанча аждодларимиз зиёратгоҳлари Президентимиз ташаббуси билан чиройли кўринишга келтирилди.

**Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:**

— Яқинда Қаршига бориб келдим. «Севинч» клуби ўнинчи бор Ўзбекистон чемпиони бўлгани муносабати билан ўтказилган байрам кечасига мени таклиф қилишди. Кекса одам учун атрофдагиларга керак эканлигини ҳис қилиб яшаш катта бахт. Мен бахтли инсонман. Спортга оид кўплаб тадбирларга таклиф қилишади. Қадрлашади, эъзозлашади.

Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинган менга ўхшаган ёши катта инсонлар учун ҳақиқий байрам бўлди десам, муболаға қилмаган бўламан. Ўзбек халқи кексаларни эъзозлаш

масаласида бошқа халқлардан ажралиб туради. Қарияларга ҳурмат кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олиш, имкон қадар ёрдам бериш бизда юксак даражада.

Мен қарилликни бўйнига олмайдиган, ҳар доим ҳаракатдан тўхтамайдиган инсонларни ҳурмат қиламан. Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, фахрийларимиз билан бир ҳафтада уч марта футбол ўйнаймиз. Икки кун бассейнга бораман. Жисмоний ҳолатимни меъёрда ушлашга ҳаракат қиламан.

Шу йил «Аср футболдаги қадрдонларим» номи китобим чоп этилади. Ҳозирда китоб ўзбек ва рус тилида тайёрланиб, босмаҳонага топширилиш арафасида турибди. Кейинчалик уни инглиз тилига ҳам ўгириш режаси бор. Ўйлайманки, мазкур китобим Ўзбекистондаги барча футбол фахрийлари учун муносиб совға бўлади. Китоб ёзишни анча олдин бошлагандим. Унинг чоп этилиши «Кексаларни эъзозлаш йили»га тўғри келганида ҳам бир ҳикмат бор...

Наримон ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон футбол федерацияси фахрийлар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:

— Юртимизда ёши улуг инсонларни эъзозлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Мана, 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинди. Ишонаманки, мазкур йилда кексаларга бўлган эътибор янада ошади.

Бизнинг кенгашимиз ёши улуг футболчилар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оламдан ўтган футболчилар оиласини йўқлаш, хотира турнирлари ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Бу ишларни амалга оширишда «Пахтакор» клуби фахрийси, таниқли ҳужумчи Тўлаган Исоқовнинг менга бераётган ёрдамини алоҳида таъкидлашим керак.

Президентимизга раҳмат, 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилди. Биз 2015 йил учун кенгашимизнинг режасини тузиб чиқдик. Бу йил олдингиларидан кўпроқ хотира турнирлари ўтказишни режалаштиряпмиз. Футбол фахрийлари иштирокида ёш футболчилар учун учрашувлар ташкил этамиз. Уларнинг бебаҳо ўғитларини тинглаш ёшларимизга ҳар томонлама фойдали бўлишига ишонаман.



Кексаларимиз бизнинг тоғларимиз. Улардан узоқлашмай туриб эъзозлайлик, қадрлайлик!

Темур АЪЗАМ тайёрлади



Ўғма билан уяматилган қо'шиқ

*Қизлар бўйи етса тикади палак,
Мен сени севдимۇ олдим қўлимга.
Саватда товланаф ранг-баранг ппак
Баҳор нусха Ёндар энди гулимга...
Зулфия*

Уйини ўзининг гулдек хунари билан безатган келинли хонадонга кирганмисиз... Зардевору палаклар, эшикпардаю лўлаболишлар... Ҳар бирида чевар кўлининг меҳри акс этиб турган, жойнамозу чойнакпўш, игнахалтаю ойнахалталар бир пайтлар ҳар бир келин уйининг безаги бўлган. Айниқса, куёвбелбоғ келиннинг куёвга илк совғаси сифатида кунт ва меҳр билан тикилган. Шунинг учун ҳам у келинчакли уйнинг кўзга ташланадиган жойига қадаб қўйилган. Сеп кўргани келганлар белбоғдан нусха олишган, томоша қилишган, ўрганишган. Йигитнинг белида белбоғи бўлсин деган ниятда белбоққа кашта тушириш урфи олис қишлоқларда ҳамон сақланиб қолган. Уларнинг турли-туман экани, нақшларининг бетакрорлиги келиннинг рўзғорбоп, меҳнатсевар, моҳир оила бекаси эканидан, сабр-қаноатидан дарак берган.

Хунармандчилик пайдо бўла бошлаган даврданоқ эркаклар ўзига хос, аёллар ўзига мос хунарларнинг бошини тутишган. Хунармандлар дастлаб, уй-рўзғор буюмларини яшаш билан чекланишган бўлса, кейинчалик уларни ўзларига ёққанидек безашни ўрганишган. Бизга момомерос каштачилик ҳам шулар жумласидан. Дастлаб дастурхон, рўмолчаларга кичик-кичик қилиб солинган кашталар бора-бора зардевор, палак, сўзана бўлиб шаклланган. Меҳнати оғирлашгач, бу иш билан зардўз эркаклар шуғулланишган, махсус дастгоҳлар ёрдамида меҳнати енгиллашгач, яна бу билан аёллар машғул бўлган. Ҳеч бир келин уйини зардевор, палакларсиз тасаввур қилиб бўлмаган. На-

фақат янги рўзғор буюмлари, балки катта оилаларда ҳам ҳар бир буюм санъат даражасида ишланган. Аёллар игна-ип ёрдамида меҳрларини кашталасалар, эркаклар ҳаттоки металл буюмларни ҳам қалб кўрини бериб ишлаганлар. Ўз хунаринг маҳсулидан баҳраманд бўлишнинг завқи бўлакча-да! Ҳатто миллий қадриятларимиз шафқатсизларча йўқ қилишга киришилган вақтларда ҳам бу ишнинг моҳир усталари қийинчиликлар билан бўлса ҳам ўз ишини давом эттираверган. Бухоро зардўзлари ва Самарқанд каштачилари, водийнинг сўзанадўз хунармандларининг меҳнати самараси ўлароқ, бу кейинчалик ўзига хос мактаб бўлиб шаклланган.

Асрлар чигиригидан безавол ўтган бу санъат турлари борган сари сайқалланиб, такомиллашиб келмоқда. Ривожланган саноат даврида ҳам матонинг тўқилишидан тортиб, растага келгунигача бўлган жараёни қўлда бажарадиган касбининг жонкуярлари жадаллик билан ўз ишларини давом эттирмоқда.

Уларда тасвир этилган нақшлар кўз олдингизда бутун




қилинган меҳнат натижасида бунёд бўлгани учун ҳам сарҳадлар ошиб, барча миллатга мансуб санъат шинавандаларининг қалбига тўғри кириб борар, эҳтимол.

бир оламни жонлантириб, сизни-да, унинг ичига олиб кира олади. Ҳар бир толасини ипақдан олган ҳунармандларнинг асл ишлари бугун кўплаб хорижлик меҳмонлар эътибор ва эътирофига лойиқ бўлиб, эсдалик сифатида улар хонадонидан жой олмоқда.

Тут баргидаги табиат малагининг машаққати ва охиروқибатда топган заволини тўғри англай билган тўқувчининг меҳр билан ипақ чилвирини санашидан тортиб, мато узра орзуларни акс эттирган қалами, ҳар бир зар ипақнинг мустаҳкам ўрнаши учун бир неча қайта игна санчишлари, табиатдан ранг қидириб, болари каби асл неъматни излаган бўёқчининг меҳнатларидан бунёд бўлган амалий санъат чин дилдан

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ амалий санъати музейидаги сўзаналар ҳақида эшитиб, уларни бориб кўриш иштиёқига тушдим. Ҳар бир сўзана табиатнинг турфа рангларини уйғунлаштириб, борлиқнинг турли кўринишларини акс эттиради. Сўзаналар олдида соатлаб туриб, унинг чевари тафаккурига, маҳоратига, дидига таҳсин айта бошлайсиз. Биридан «Чўли Ироқ»нинг хазинтовуши келади, биридан «Шашмақом»нинг барча мақомлари бирин-кетин тарала бошлайди. Яна биридан «Тановар» эшитилса, биридан Амудек тошқин «Сувора» оҳанглари келгандек бўлади. Бир кашта ёнидан бошқаси томон ўтиб борар эканман, баъзан «Дилхирож»дек шўх, баъзан «Муножот»дек

хазин, соҳир наволар оғушида сезаман ўзимни. Сўзаналарни томоша қилиш жараёни одамга кайфият бахш этибгина қолмай, олис-ёвуқ мозийнинг гоҳ оғир, гоҳ фараҳли кунларига олиб киради. Мана, Сурхон каштаси. Унда воҳанинг тоғлари, яйловлари, шаршаралари, меҳнаткаш халқи рангларда рамзланиб олганга ўхшайди. Палакни тинглаб кўраман, таниш бир товуш дўмбира жўрлигида «Алпомиш»ни зўр бериб куйлайди. Достоннинг шавқига шунчалар берилиб кетганки, унинг ўйноқи овози палакнинг гардишларига тўлқин-тўлқин хошия бўлиб аксланган. Нимагадир мана бу мойчечакгулли каштадан чанқовуз «келей-келей» деб чорлаётгандек бўлади. Дикқатимни тортган сўзаналардан бири ўзбек каштачилик аънаналарини йиғиб, жамлаб, яхлит битта иш қилигани бўлди. Уни томоша қилиб, «Ўткан кунлар»ни ўқиганимдаги сурурни ҳис қиламан. Машшоқ билмаган «Ҳайдалиш» куйи сўзананинг рангдор ипақлари-



дан қалбингизга оқиб кира бошлайди. Рост, бу асарни ўқимоқ, унинг қаҳрамонлари орзу-армонлари билан яшамок керак. Музей ходимаси бир каштани кўрсатиб: «Мана бу сўзана кўқонлик чеварларнинг иши», деб маълумот беради. Мен кўшиқларда куйланган «Шоҳи сўзана» шу бўлса керак, деб ўйлай бошлайман. Унинг асоси ҳақиқатан шойи матосимикан, деб сўзананинг бўш жойини излайман. Бир қатим ҳам бўш жой қолмаган. Ҳатто асос матонинг асл рангини ҳам билиб олиш қийин. Қизиғи, сўзананинг ўнг томони қандай гўзал бўлса, чап томони ҳам шундай латиф.

Музейнинг попоп кашталар бўлимига ўтамиз. Қизиқ, нега попоп кашта? Балки дастлабки тикув машиналари кириб келиб, каштачиликнинг ҳам техник кўринишлари пайдо бўлиб, машинада тикилган сўзаналар шундай ном олгандир?! Нима бўлганда ҳам, унинг қалампиргулли, аноргулли, чамандагул нусхаларини машинада тикиш учун ҳам қаноат, уқув, маҳорат ва биз англаб етмайдиган нималардир керак. Шундай бўлмаганда бу ишларнинг ҳар бири ўзи ҳақида сўзлаб, куйлаб турмаган бўларди. Менга қушлар акс этган

попоп сўзана жуда ёқиб қолди. Ундаги қушлар чуғури ўзгача муסיқийлик кашф этиб, палакдаги рангларга сингиб кетади. «Лисон ут-тайр»нинг қушлари булар. Ана Худхуд... Ана чор тарафида бошқа қушлар... Хунар нималарга қодир-а?

Халқнинг донолиги шундаки, анор — оила рамзи, қалампирда кўриқлаш тимсоли бор, бодом — қут-барака, доирагуллар келин-куёвлар... Шундай қилиб, хонадонларда тахмонпўш, манглайқош, зардеворлар ўз рамзига кўра жой олган. Бугунги кунда попопчилик ишларини кийим-кечакларда, пардозхуққаю, сумкаларда, қопчиқ ва ҳатто пойафзалларда ҳам кўраяпмиз. Халқнинг қадим анъаналари бардавомлиги, бойиб, такомиллашиб бораётгани кўзларни қувонтиради. Хунар қай йўсин бўлмасин, яшовчан.

Навбатдаги бўлим Бухоро зардўзларининг талай ишлари билан ясатилган. Бирданига «Мавриги»нинг сокин оҳанглари қалбга кириб кела бошлайди. Сокинлик секин-аста тезла-

ша бошлайди ва авж пардага кўтарилади. Мана, мен таърифни эшитганим «Шодиёна»! Унда халқимизнинг миллий ифтихори — пахта, карнайчилар, чойхона... Буларнинг бари зар ипларда шундай усталик билан тикилганки... Умуман, у ҳақда сўзлагандан уни эшитган, авжига жўр бўлган маъқул. Энди мени тараққиётнинг нано кўринишлари, юқори кучланишли космик кемалар, микро ва макро техникалар ҳайратга солмайди. Энди мени халқ ижоди — игна билан яратган оҳанглари ҳайратлантиради. Менинг кўшиққа, хиргойига ўрганмаган тилим бугун сўзаналардан таралган наволарга жўр бўлди. Мен куйлай бошладим!.. Ҳайратлар олаמידан шу ҳаяжон билан чиқдим.



Дилноза НАРЗУЛЛАЕВА музей арт-менежери, 27 ёш:

— Миллий хунармандчилик бизга мерос касб. Уста Ибодулла Нарзуллаевнинг авлодларимиз. Оиламизнинг ҳамма аъзолари хунарманд. Болалигимдан шу миллий санъатнинг ичида ўсдим. Биз бу касб билан шуғулланаётган еттинчи авлод ҳисобланамиз. Онам қўли гул чевар. Рангларни топишда,

ипак толаларини бўяшда уларга етадигани йўқ. Касбининг барча сир-асрорларини бизга ўргатади. Момоларимиз энг қийин даврларда ҳам хунарини давом эттиришга, болаларига ўргатишга ҳаракат қилган. Ўзим ҳам ишимни севаман. Агар меҳнатим кимнингдир кўзини қувонтирса, меҳр билан қўлига олса, ич-ичимдан миннатдор бўламан. Машаққатли бўлса-да, танлаган йўлим нотўғри эмаслигига амин бўламан.



Иш жараёнимизда маҳсулотларимизга, асосан, IX, XX аср нусхаларини туширишга ҳаракат қиламиз. Анор, бодом нусхаларини тушираемиз. Бизда бодомга хонадонни ёмон назардан ҳимоя қилувчи рамз сифатида қаралади. Анор эса оиланинг файзи, баракаси, сердавлат, серфарзанд бўлишга ишорадир.

Ранглар ҳам табиатдан олинади. Яшил ранг учун анор пўстидан фойдалансак, сариқ ранг учун пиёз пўстидан фойдаланамиз. Бундан ташқари, ўсма, рўян ҳам ранг олишда жуда яхши. Аммо табиатдан олинган ранг очроқ бўлади, бунинг яхши томони эса қайта-қайта ювилганида ҳам тусини тўлиқлигича сақлаб қолишидир. Музейга ватанимизнинг бар-

ча ҳудудларидан тўлиқ қўл меҳнатида маҳсулот чиқарувчи хунармандларни йиққанмиз. Биз билан бир юз элликка яқин одам меҳнат қилади. Уларнинг ота-боболари ҳам шу иш билан шуғулланган.

Биз қадимда ишланган энг асл ва ноёб экспонатларни музейда кўргазмага қўйганмиз, ҳозирда уларнинг авлодлари ишлаб чиқараётганларни эса қизиққанлар сотиб олишлари мумкин.

Мақсадой МАВЛОНОВА, хунарманд:

— Ёшлигимдан тикиш-бичишнинг ичида ўсганман. Бизнинг давримизда артсалон ва кийим ательелари бўлмаган. Бутун қишлоққа кийим тикиб беришдан ташқари, турмушга узатилаётган қизларнинг барча рўзгор анжомларини тайёрлар эдим. Каштанинг ўзи бир неча турда тикилади. Ҳатто оддий қўлрўмолча ҳам санъат даражасида тайёрланган. Ичига кашта, атрофига эса тўр тўқиладди. Тўрли хошиянинг атрофи нозик, пистонлар билан безатилган. Каштанинг санама,

ироқи, зардўзи каби турлари бўлса, деворга гиламсифат илинадиган тури эса сўзана дейилган. Зардеворларни қўлда тикиб, катта ҳажмдаги турлари эса попоп усулида тикув машинасида уриларди.

«Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», дейишадди оналаримиз. Сеп кўрди деб худди шу келиннинг қўлларида бунёд бўлган рўзгор анжомларини айтган. Мана ҳозир ҳам қадимги қўл меҳнатларни қидириб келувчилар, ундан кастюм, нимча киювчилар кўзга ташланиб қолди. Онам ҳақ чиқди. Бу аъёналар чиндан ҳам барҳаёт экан.

Қиз боланининг қўлига болалигиданок игна тутқазини ҳам ҳикмат кўп. Ҳали эсини танимасидан қўлига игна олиб, рўзгор ишларидан ортиб, кудук қазиган каби биргина кашта учун бир неча кун вақт сарфлаши ва шу ишни охирига етказиши беихтиёр унда сабр-қаноат тушунчасини шакллантиради ва шу қиз келажакда турмушнинг ҳар хил вазиятларига оғир-босиклик, мулоҳаза билан ёндашувчан бўлади.

Нилуфар ҲАЙИТОВА



Baxtim shul – o‘zbekning

Zulfiyaxonim

Ўзбек поэзиясида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши — тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳануз эсимда, ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин бир ҳақиқат бу ўзи! Чигалликлар, тортишувлар, изланишлар тўлиқ бир паллада янги ва умидбахш бир садо, ёқимли бир жаранглаб кетган эди-да.

Зулфияxonим шеърларида тонг тимсоли, тонг тасвири, бахтиёрлик ва ёруғ дунё тимсолидай жаранглаб кетганлиги ва ҳануз ўшандоқ жаранглаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас, ҳаммаси фақат меҳнатдан, узлуксиз меҳнатдан!

МИРТЕМИР

* * *

«Ажойиб табиатли кишиларни кўрганда нодир инжу топган кишидек қувонаман, ҳаётни янада қаттиқроқ севаман, Зулфия, мен учун ана шу нодир инжу ва гўзал кишилардан биридир... У ўзбек хотин-қизлари чаманида гўзал бир санъат биноти кўриди».

Марварид ДИЛБОЗИЙ, Озарбайжон халқ шоири

* * *

Зулфия ва унинг поэзиясини аёллар дунёсидан ажратиб бўлмайди. Тўғри, аёл қалби — азалий ва абадий мавзу. Лекин ўзбек аёлининг қалбини ҳали кашф этиш керак эди. Шеърят — ҳамма вақт янгилик, шу билан бирга, у — ҳамма вақт меросхўр ҳам. Навоий улуғлаган она қалби замонлар оша чек-чегарасиз бир оламга айланди.

Асқад МУХТОР

* * *

«Ҳижрон кунларида» китоби билан ўзбекнинг юртида шоира туғилди, аёл зотининг фидойилик ва бардош, жасорат ва назокат, умид ва ўкинч тўла садоси бўлиб шоира дунёга келди ва дунёга келган кундан боқийлигини таъмин этди.

Эркин ВОҲИДОВ

* * *

Фазилатлар сарчашмасида Зулфия опанинг шоирлик иқтидори турар экан, бу иқтидор шоирамизнинг номини жаҳонга танитган олий белгидир. Зулфия опа суҳбатларида, мақолаларида ўзларини гоёта камтарин тутиб, кам ижод қилганликларини чиройли бир надомат билан айтиб турардилар. Бу гаплар чиндан ҳам камтарлик ва самимият билан айтилган. Лекин гап миқдорда эмаслиги барчамизга аён-ку. Зулфия шеърляти салмоғи унинг анча мураккаб йилларда ҳам чинакам поэзия сифатларига содиқ қола олганлиги билан белгиланади.

Абдулла ОРИПОВ

ХАЛҚИМГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!

Юрак чақмоқ теккан осмон юзидай,
Лекин эътиқодим, иймоним бутун,
Умримда қилганим озми-кўпимдан,
Меҳрим дарёсидан серобман бу кун.

Менга Навоийдан айтинг алла деб,
Лутфийдан онгимга зиё таратдинг,
Қийналган оламга бўлгин далда деб
Асли ўзинг мени шоир яратдинг...

Ёш шуур курашчан туйғулар билан
Сенинг тақдирингга маҳкам туташдим,
Не-не ғанимлар-ла курашганинг он
Кўпнинг бири бўлиб малҳамга шошдим.

Сарғайган даштларга бердинг яшил қон,
Тупроқ тепаларда шаҳар кўтардинг:
Ҳар бир ғалабангни кўрган суюк он
Дилдаги ўз ғамим куйи чўкарди.

Йўл юрдим, соғиндим, тўкилди байтим
Хорижнинг шомлари, саҳарларида,
Эзгу истакларинг жаранглаб айтдим
Осиё, Африка минбарларида.

Пахта хирмонининг ўсди бўйлари,
Таниди, тан олди яқину йироқ
Фурудан денгиздай тўлиб куйладим,
Толелар тиладим бундан ёрқинроқ.

Мактублар ёздинг сен, мактублар битдим,
Гоҳ кўзга нам қалқиб, гоҳида хушбахт.
Шеър билан, сўз билан қалбингга етдим,
Ўша қалб мен учун энг шарафли тахт.

Кўзим устидасан бу тугёнли дам,
Сен билан тақдирдош кундузли бўлдим.
Сени деб сийлади Умр, азиз Ватан,
Эъзозли бўлдим мен, юлдузли бўлдим.

Ҳали бор олдимда ўтмаган бурчим,
Ўтайман кўзимда тирик турса нур.
Умримдаги барча фасллар учун
Ўзига бек халқим, Сенга ташаккур.

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

«Теразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...»
Гулни кўриб ишқпараст қалбим,
Минг айтилган дарддан куйлади.

Сени кўмсаб оқшом чоғида
Ҳижрон кўшар экан ҳарорат.
Ўлгудайин муштоқ бўлибман —
Висолинга, йўқ чоғи тоқат.

Сени кўмсаб оқшом чоғида
Кириб келдим шу таниш уйга.
Биз бир чоқлар яшаган уйда
Тунаб қолдим хаёл-ла бирга.

Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам
Ёшлик кечган торгина шу жой.
Бунда яшар ажиб онлардан,
Ишқ-ла ўтган тунлардан чирой.

Ҳар бурчаги элитар ҳушим,
Нақадарлик ошно, яқин.
Худди тунда камолга етган
Кўшигингга чақнаган чақин.

Бунда ҳаёт — илҳом онлари
Қаламингдан тўкилган гавҳар.
Гул бўйини олганда шамол
Рашкка тўлиб тўнган у кўзлар.

Сен тугатгач чанқоқлик билан
Ўқиб мафтун бўлганим ҳаёт.
«Қалай деган» бўлиб термулган
Кўзларингнинг оташи ҳаёт.

Ҳали ҳаёт, такрор ўқиркан
Завққа тўлиб яйраган кўксим.
Ўзингдаги улугвор, майин,
Бир жаҳонга арзир табассум.

Бари ҳаёт, муҳаббат каби,
Ҳамма ерда кўринар изинг.
Паррандалар нағма куйида
Жаранглайди товушинг, сўзинг.

Мени ўраб олди ҳаяжон,
Яна ортди севгининг кучи.
Шарқ қизариб, чиқмоқда қуёш,
Олтинланди теракнинг учи.

Сен куйлаган ўрик шу кеча
Бурканди оқ — оппоқ чечакка.
Мен қадрдон хотира билан
Жўнаб кетдим уйимга якка.





СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!

Яшаш азиз ҳисси танда кезганда,
Умр кўпи кечиб, армон дилни эзганда,
Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда,
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда
Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар саҳфанг ўқилгич янги бир китоб,
Ўтмишми, эртами туғилар ҳар боб —
Яшаш ва ёзишга қилганда хитоб,
Сукут хижолатин енгмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар фасл бир ажиб тароват тўкса,
Тўкин куз ҳосили шохларни букса,
Янги ризқ-ёмғир, қор тоғларга чўкса,
Баҳор гулин кўзга суртмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,
Гоҳ чақноқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим.
Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,
Дўстандани меҳр — мактуб кутмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ тўхфа,
Ҳар умр бахт шонин йўғурар супра,
Йўғурмоқ минг тахлит ва минг бир турфа;
Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул,
Мен сенман, сен менинг борлигим буткул.
Елкамга юк ортиб, қўлимдан тутгил,
Бу бахтни назмга тўкмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

ЎҚУВЧИМГА

Юрак ниҳол олов қўйнида
Ёнар, кулар, яшнарди шайдо.
Орзу, ҳиснинг соф ўйинида,
Илк шеърларим бўларди пайдо.

Шеъринг мурғак, лекин дилинг соз,
Нафасингда, дедингиз, ўт бор.
Ёниб куйлаш шоирликка хос,
Ўсгин, совиш билмагин зинҳор.

Бу оташни бағримдан олиб,
Водийларга, гулларга бердим.
Тўқувчини қўшиққа солиб,
Кўриқ ерлар бағрига кирдим.

Ишқ, ҳақиқатан қудрати гуё
Менинг билан тебратди қалам.
Қўшиқларим билмай ғаш, риё,
Ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам.

Дили шоир хассос бир элга,
Фарзандлигим нақл этар бурчим.
Халқ қалбидай бир гўзал шеърга
Етармикан ҳеч қачон кучим...

БАҒРИНГДАН ҚҶЙМА

Майли, заифлигим, кўз ёшим суйма,
Ялқовлигим, нуқсим экан бедаво.
Мен тортган дардларнинг захрини туйма,
Туйганда инжитиб бердингми сазо?

Бахтдан, бахтсизликдан қолсам довдираб,
Сенга қўшиқ айтиб, сенга дейман дод.
Ёнсам сув сепасан, сўнсам ёндириб,
Бошинга кўтардинг онадан зиёд.

Йиллар қанча олиб кетса - шунча яқинман,
Борган сари ортар тотли насибам.
Қайга бормай қайтгум, сенга интиқман,
Менинг оҳанграбом, менинг нашидам.

Қонимдаги ёниш, бебош ҳисларим,
Қоникмас таъбимни зикликка йўйма!
Қайноқ севгим, куйим, совуқ жасадим,
Она Ватан, ўтинч, бағрингдан қўйма.

Ватан бўлмасайди одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

МЕН ЎТГАН УМРГА

Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

Кийганим ипакми,
читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабсан парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб бунда ҳар сабоҳ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иззат нима билдим,
Шу-да бир яшаш!



ХОТИРАМ СИНИҚЛАРИ (достондан парча)

* * *

Хуррият, келдингми, наҳотки келдинг!
Келар йўлларингда пинҳона толдим.
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,
Элим тақдирида абадий қолдинг...

Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...

Хуррият, келдинг-ей, ал-омон келдинг,
Сени қалбим, кўзим, сўзларим кучар.
Вақт етса шу халқда қолар дафтарим,
Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим...

Рухим у ёқларга қуш бўлиб учар...

ХАЙР ЭНДИ...

1

Хайр энди, видога чоғ етди муддат,
Наздимда, қолмади олдинда йўллар.
Қолгани яшиндек шошқин, тез суръат,
Муаллақ қотади узатиқ қўллар...

Орзулар бўлмасин офтобдай ёрқин,
Гулбаргдан чиралган каби узилур.
Яшаш қанча ширин бўлмасин, лекин
Юмулиш истамай кўзлар сузилур.

На севги, на нафрат, на қувонч, азоб...
Не дод, кекса ажал абад огоҳда.
Юкли теvasимон тонгла чорроҳда
Гангиб қолсам, эгам,
садқа эт нажот...

2

Хайр энди, табиат, тўрт дунё хусн,
Қуллуқ, узоқ йиллар яшадик иноқ.
Қишингда оқ кўркинг сеҳрлаб ҳиссим,
Саратонинг туйғум ёқди қайноқроқ...

Сенинг ўзинг танҳо мумтоз бир китоб,
Расо ва норасо дарсинг ўқидим.
Бу тун борлигим-ла кўчдим боб-боб,
Оғриқдан таваллуд шеърлар тўқидим...

Бандаман, эй тангрим, кашфи табиат,
Ахир бир кун сўнар кўзларимда нур.
Калимага заиф қолганда қудрат,
Сенга сўнги саждам — умрим тўкилур...

БУ ОҚШОМ...

Бу оқшом пориллар дил нурунгизда,
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.
Турибман, азизлар, ҳузурингизда
Ҳамон ўтлиғ кўнги, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим — шеър.
Сочимда, чехрамда йиллардан нишон,
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,
Орзуларим карвон, сарбоним — ишонч.

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним
Азиз ёди аро шикаста, бутман
Ишқим — алангадир, қордир ҳижроним
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачиқ —
Мунисим Ҳулкарим, алпим Омоним
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд
Ҳазрат устозларим — теран илдизлар,
Мен ундан жон олиб кўкарган дарахт,
Меваси — қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим
Аждодларим менга ифтихор, гурур
Шу мавжлардан томган нуқра умидим
Шоира қизларим бахш этган сурур.

Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳф этолмас завол лашкари,
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар — бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъозлар, ардоғлар учун ташаккур
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дорилмомон, ҳур,
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.





Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз қатнашиб, 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, ҳаммаси бўлиб — 10 та медални қўлга киритгани бутун Ўзбекистонимиз ёшларининг мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига улкан ҳиссаси бўлди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, 28 нафар навқирон ўғил-қизларимиз ана шундай нуфузли халқаро мусобақада ҳеч кимга бўш келмасдан, азму шижоат кўрсатиб, илгари биз тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган шундай улкан марраларга эришган экан, бу бутун Ватанимизнинг ютуғи эмасми?

Ислом КАРИМОВ

Hech kimdan kam bo'lmagan avlod



Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ, бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси олтин медали совриндори:

— Нанкин олимпиадаси биз учун жуда катта тажриба мактаби бўлди. Мазкур муваффақият мени янада қатъиятли бўлишга ундади. Бизнинг спорт билан шуғулланишимиз, халқаро майдонларда ғалабалар қозонишимиздан энг кўп Президентимиз хурсанд

бўлади. У кишининг бизга кўрсатган доимий ғамхўрлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Халқаро мусобақаларда қатнашарканман, халқимиз, Юртбошимиз ва ота-онамининг ишончини оқлашим кераклигини доимо ҳис қилиб тураман.

Спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, халқаро майдонларда юксак ғалабаларга эришишга қодир спортчи бўлиб вояга етишимизга қаратаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.



Илҳом БАХРОМОВ, юнон-рум кураши бўйича икки карра Осиё чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси олтин медали совриндори:

— Олимпиада ўйинларида чемпион бўлиб, юртимизга келган спортчиларимизни телевизор орқали кўрганимда, мен ҳам олимпиада чемпиони бўламан, деб ният қилгандим. Мана, ўсмирлар олимпиадасида қатнашиб олтин медаль соҳиби бўлдим. Энди эса катталар олимпиадасида ҳам муносиб қатнашган ҳолда чемпион бўлмоқчиман.

Нанкин олимпиадасини кузатган мутахассислар ўзбек ёшлари нималарга қодир эканлигини яна бир бор ҳис қилишди. Бизнинг халқаро майдонларга чиқиб юртимиз шаънини ҳимоя қилаётганимиз Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида бўлаётганини алоҳида айтишим керак. Юртимизга қайтганимиздан кейин бизга Президентимизнинг совғалари топширилди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Келажакда шу юксак ишончга муносиб бўлишга жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан.



Владимир СВЕЧНИКОВ, ўқ отиш бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси олтин медали совриндори:

— Мен ҳар гал майдонга чиқаётганимда Ватаним шаънини муносиб ҳимоя қилишим кераклигини ўйлаб икки ҳисса куч билан



ҳаракат қилдим.

Ҳар қандай инсон қилган меҳнати қадрланса, хурсанд бўлади. Мен Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорман. У кишининг бизга аталган гапларини эшитганимда кўнглим тоғдек кўтарилди. Шу билан бирга, кўнглимдан мен бу эътиборга лойиқ эканлигимни янги ғалабаларим билан исботлашим керак, деган ўй ўтди.

Юртимизда спортни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиладиган мамлакатлар кам. Ўзбекистон спортга ана шундай эътибор берилаётгани учун ҳам бугун биз халқаро майдонларда муваффақиятлар қозонмоқдамиз.

Ҳар бир спортчи олимпиада ўйинларида қатнашишни орзу қилади. Мен кичик олимпиадада қатнашдим. Энди катталар олимпиадасида ҳам қатнашиб, совриндор бўлмоқчиман.



Сухроб ТУРСУНОВ, дзюдо бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси олтин ва бронза медали совриндори:

— Олимпиада ўйинлари совриндори бўлиш катта бахт. Агар медаллар сони иккита бўлса, хурсандчилик янада кучли бўлади. Мен Нанкин олимпиадасида олтин ва бронза медалларини қўлга киритдим. Ўша пайтдаги

ҳиссиётларимни тил билан таърифлаб беролмайман.

Юртимизга қайтган кунни ҳеч қачон унутмайман. Ўшанда бизни ҳақиқий қахрамонлардек қарши олишди.



Ишқибозлар олқиши, устозлар, яқинларимизнинг табриклари... Ҳаммаси жуда ажойиб бўлганди.

Эртаси куни бизни тақдирлаш маросими юксак савияда ўтказилди. Бизга Президентимизнинг илиқ сўзлари етказилиб, совғалари топширилди. Юртбошимиз совғаси бўлган ушбу компьютер мен учун энг қадрли совға бўлди. Бизнинг спорт билан шуғулланишимиз учун барча шароитлар яратилган. Бу иншоотларда шуғулланган болалар фақат ва фақат жаҳонда энг зўри бўлиш учун курашиши зарур.




Умида АБДУЛЛАЕВА, таэквондо бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси кумуш медали совриндори:

— Нанкин олимпиадасидаги иштирокимдан менда унутилмас таассурот қолди. Финалгача бўлган баҳсларда яхши ҳаракат қилдим. Ҳал қилувчи жангда бироз омадим келмади. Бундан ҳам керакли хулоса чиқардим. Демак, ҳали ўз устимда кўп ишлашим керак. Юртимиз байроғи кўтарилганда кўз ёшларимни тия олмадим. Шу лаҳзаларда Ватанимни қанчалик севшимни ҳис қилдим.

Юртбошимиз ҳар гал бизга мурожаат қилар экан, аждодларга муносиб авлод бўлишимиз кераклигини таъкидлайди. Бизнинг ота-бобларимиз ҳар қандай соҳада ҳам ўзларининг кучли эканликларини исботлай олишган. Уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз керак.

Нанкин олимпиадасидан кейин бошқа халқаро турнирда қатнашимиз керак эди. Шу сабабли делегациямиз билан Тошкентга қайта олмадим. Келганимда менга Президентимиз совғасини беришди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Келажакда халқаро мусобақаларда қатнашиб, бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришишни дилимга тугиб қўйдим.



Сулаймон ЛАТИПОВ, бокс бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси кумуш медали совриндори:

— Ўзбекистон ўзининг бокс мактаби билан жаҳонда машҳур. Кўплаб боксчиларимиз халқаро мусобақаларда шоҳсупанинг юқорисига чиқишган. Биз улар яратган мактабнинг янги авлоди сифатида ўсмирлар олимпиадасида муносиб қатнашишга ҳаракат қилдик.

Дўстим Бектемир олтин медаль олганидан хурсанд бўлдим. Мен ҳам олтин медаль олишим мумкин эди. Бунинг учун бироз тажрибам камлик қилди. Келажакда ўз хатоларим устида ишлаб, уларни бартараф этишга ҳаракат қиламан.

Нанкиндан Тошкентга қайтганимизда, бизни ўйлаганимиздан ҳам зўр кутиб олишди. Эртаси куни ўтказилган тадбирда Президент совғалари топширилди. Бу бизнинг кўнглимизни тоғдек кўтариш билан бирга, масъулият ҳам юклади. Бизни олдинда кўплаб мусобақалар кутиб турибди. Уларда қатнашиб, фақат голиблик учун курашамиз.



Фарходбек СОБИРОВ, оғир атлетика бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси кумуш медали совриндори:

— Юртимизда болалар спортга юксак эътибор қаратилаётгани билан барчамиз фахрланамиз. Нанкинда ўтказилган ўсмирлар олимпиадасида биз ўзбек ёшлари спорт соҳасида ҳам ҳеч ким-

дан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини исботлашга ҳаракат қилдик.

2015 йил бошида Қатарда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган қитъа биринчилигида қатнашиб, иккита бронза медалини қўлга киритдим. Нанкин олимпиадасида орттирган тажрибам бугун бошқа мусобақаларда менга асқотаяпти. Устозларимнинг кўрсатмаларига амал қилиб, ўз устимда ишлашда давом этсам, халқаро майдонлардаги совринларим кўпайиб бораверади.

Президентимиз ҳар бир чиқишларида Ўзбекистон спортчиларининг ғалабалари билан фахрланиб гапирди. Шу пайтда ўзимни ер юзидаги энг бахтли инсон ҳисоблайман. Келажакда режаларим кўп. Ўзим қатнашадиган ҳар бир мусобақада олтин медаль учун курашмоқчиман.




Адхамжон ЭРГАШЕВ, оғир атлетика бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси бронза медали совриндори:

— Ўзбекистон чемпионатида қатнашган спортчи ўзи тугилиб ўсган вилоят ва шаҳар номидан майдонга чиқади. Халқаро майдонда эса юрт, миллат шаънини ҳимоя қилиш зарур. Шу сабабли ҳам халқаро мусобақаларда бор кучимизни сарфлашимиз талаб этилади.

Президентимиз бизнинг ҳеч бир муваффақиятимизни эътиборсиз қолдирмайди. Нанкин олимпиадасини яқунлаб, юртимизга қайтганимизда кейин бизга Юртбошимизнинг совғаси топширилди. Мен бу совғани келажакдаги муваффақиятларим учун йўлланма деб биламан.

Илгари спорт билан фақат шаҳарларда шуғулланишган экан. Бугун юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам спорт тўғрисида ишлаб турибди. Бунинг натижасида кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда.

Юқорида айтганимдек, халқаро мусобақаларда қатнашишимиз гашти ўзгача бўлади. Келажакда кўплаб турнирларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишни мақсад қилганман.



Темур ҚОДИРОВ, спорт гимнастикаси бўйича II ўсмирлар Олимпиадаси кумуш медали совриндори:

— Спортчи тинимсиз машғулотлардан кейин мусобақа совриндори бўлса, ҳаракатлари зое кетмаган бўлади. Бунинг учун ҳар бир машқни сидқидилдан бажариш керак бўлади.

Нанкин олимпиадасига қаттиқ тайёргарлик кўргандик. Мураббийларим ўз устимда янада кучлироқ ишласамгина, олимпиада ўйинларида совриндор бўлишимни уқтиришди. Уларнинг айтганларини қилиб кам бўлмадим. Олимпиада ўйинларининг бронза медали соҳиби сифатида юртимга қайтиб келдим. Аэропортга фарзандини кутиб олиш учун чиққан ота-оналарнинг кўзларидаги қувонч ва фахрни анча пайтгача унутмасам керак.

Бизнинг муваффақиятларимиз ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта. Президентимизнинг спортни ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари бугун ўз натижасини кўрсатаяпти. Ўйлайманки, ўзбек спортчиларининг муваффақиятлари давомли бўлади. Бунинг учун юртимизда ҳамма шароит яратилган...

Сўнгги йилларда спортга берилаётган юксак эътибор, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқлари Ўзбекистонни чин маънода спорт мамлакатига айлантирди. Ишонамизки, спортчиларимиз забт этажак довлар ҳали олдинда.

Темурбек тайёрлади



Саксон биринчи кўча... Тушадиганлар тайёрлансин! — деди кўк коржомдаги машинист.

Жон Перкинс одамларга туртина-суртина зинадан пастга тушди. У бамайлахотир уйи томон юрди. Чунки унинг ҳаёт тарзида фавкуллодда ҳодисалар йўқ эди. Уйланганига икки йил бўлди. Шундан бери арзон ижара уйда яшайди. Бундай одамнинг ҳаётида кутилмаган ҳолатлар бўлмайди ҳисоб. Жон маъюс ҳолда уйи томон юраркан, зерикарли ўтган яна бир кунининг муқаррар хотимаси ҳақида ўйлай бошлади.

Ҳозир уйга киради, рафиқаси Кети одатдагидек уни атир ҳиди-

га кўмилган ҳолда кутиб олади. У пальтосини ечиб, қаттиқ ва совуқ диванга ўтиради-да кечки газетани варақлай бошлайди. Дастурхонга димланган гўшт ва терини ёрилишдан сақлайдиган махсус шарбат қўшилган салат, буғланган равоч ҳамда «таркиби кимёдан холи» белгиси ёпиштирилган қулупнай желеси тортилади. Соат етти яримда тепадаги бақалоқ қўшниси гимнастика билан шуғуллана бошлайди. Хотини билан шу кезде шифтдан тўкиладиган сувоқ бўлақларини муносиб қаршилаш учун диван ва креслоларга газета ёзиб чиқишади. Худди шу пайтда ҳовлининг нариги томонидаги қарама-қарши уй соҳиби дераза олдига ўтириб олиб, най чалишга тушади. Лифт бўғиқ овоз чиқариб тўхтаб қолади. Оч яшил туфли кийиб юрадиган бир хоним шотланд кучуги ҳамроҳлигида пастга тушиб, кўнғироқ тугмаси ва почта қутиси устига исми ёзилган ёрликни маҳкамлайди. Шу билан Фрогморнинг сердаромад уйидаги ўзгармас тартибга кўра, яна кечки сокинлик ҳукм сура бошлайди.

Жон Перкинс ҳамма нарса худди шундай бўлишини ёддан билди. Яна бир муҳим масала бор. Саккизу ўн бешда у шляпасини олиб эшикка интилади. Хотини бунга жавобан асабий оҳангда:

— Қаёққа йўл олдингиз, Жон

бўлмасди. Кетининг нарсалари хонада сочилиб ётар, ҳаммаёқ бепартиб эди. Туфлиси хонанинг ўртасида, сочқистиргич, бант, халат, упа идиши эса стул устида ётарди. Кетининг бунақа одати йўқ эди. Жон хотинининг сочига тақадиган турмаклагичини кўрганда бирдан юраги шувиллаб кетди. Кети ниҳоятда шошган ва қаттиқ ҳаяжонланган бўлса керак. Одатда, у ҳар бир хотиннинг орзуси бўлган, бу улама сочларни каминда турадиган чуқур вазага эҳтиёткорлик билан яшириб юрар эди.

Кўзга ташланадиган жойда каноип билан боғлаб осиб қўйилган букланган қоғозга кўзи тушди. Бу Кетининг хати эди: «Азизим Жон, ҳозиргина ойим касал бўлиб қолгани ҳақида телеграмма олдим. Тўрт яримдаги поезд билан кетяпман. Укам Сэм станцияда кутиб олади. Музлатгичда пиширилган кўй гўшти бор. Ойимнинг ангинаси кўзиб қолмадимикан, деган хавотирдаман. Ўтган баҳорда ҳам шундай огирлашиб қолган эди. Сутчига эллик цент бериб қўй. Газ ҳисоблагич ҳақида компанияга ёзишни унутма. Янги пайпоқларинг тепадаги кутида. Эртага хабарлашамиз. Ҳозир шошаяпман. Кети».

Жон хатни ўқиб янада ташвишга тушди. Икки йиллик турмушлари давомида улар ҳали бирор-

SOAT KAPGIRI

Перкинс, билсам бўладими? — дейди.

— Мак-Клоскига, — жавоб беради у. — Ўртоқларим билан қарта ўйнашга...

Охирги пайтлар Жонга бу одат бўлиб қолди. У соат ўн-ўн бирларгача қолиб кетар, кўпинча Кети ухлаб қолар, баъзида эса, аксинча, уларни боғлаб турган пўлат занжирнинг олтин ҳалқаларини ғазаб ўтида эритишга тайёр ҳолда кутиб ўтирган бўларди.

Бугун Жон уйига кираркан кундалик вазият издан чиқиб кетганини пайқади. Нима учундир Кети уни бўсағада кутиб олмади. Уйдаги тартибсизликка қараб

бир кунни айрилиқда ўтказишмаган эди. Ҳаётида кутилмаганда содир бўлган бу ўзгариш уни эсанкиратиб қўйди. Унинг уйда киядиган кўйлаклари ҳам ҳар томонда сочилиб ётарди. Стул суянчиғида Кети ошхонада тақадиган қора гулли қизил фартук осилиб турар ва буларнинг барчаси Жоннинг хавотирини янада оширарди. У яхши кўрадиган ҳолва солинган қоғоз халтанинг боғичи ҳали ечилмаган эди. Газетанинг поездлар жадвали берилган қисми йиртиб олинган ҳолда ерда ётарди. Уйи унга файзсиз, совуқ, хувиллаб қолгандек туюлди. Жон Перкинс бутун борлигини йўқотгандек ўзини руҳсиз, бор тирик



жон тарк этган харобалар ўртасида тургандек ҳис қиларди. Шу тобда унинг юрагини галати бир соғинч ўртай бошлади.

У қўлидан келганича хонани тартибга келтиришга уринди. Хотини Кетининг кўйлагини қўлига олганда эса, ҳатто юрагида қўркув уйғонди. У ҳеч қачон хотинисиз бир ўзи ёлғиз қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Кети унинг ҳаётига шу қадар сингиб кетгандики, гўё у Жон учун ҳаводек эди.

Энди эса у тўсатдан йўқ... Албатта, бу кўпга чўзилмайди. Бир неча кун, кўпи билан бир ҳафта, нари борса, икки ҳафта қолиб кетиши мумкин. Аммо... Жоннинг мустаҳкам ва осуда бошпанасини совуқ сукунат эгаллади.

Жон музлаткичдан қўй гўштини олди, кулупнай желесининг кимёвий тозалигидан гувоҳлик берувчи ёзувини ўзига қаратиб қўйиб, иштаҳасиз овқатлана бошлади. У ўзини дунёнинг барча неъматлари-ю шодликларидан бенасиб қолгандек сезди. Бу ҳувиллаган уйда унга фақат димланган гўшт ва шарбат қўшилган салатларгина кўринарди. Энди унинг иссиқ ўрни совуди. Касал бўлиб қолган қайнонаси уйини, маконини кулдек тўздирди. Жон овқатланиб бўлгач, дераза ёнига ўтирди.

Ҳатто чекишга ҳам ҳафсала тополмади. Ойна ортида шаҳар шовқин-сурон солиб, уни ҳам беўй қувноқликлар ва кўнгилочар ўйинлар домига тортмоқчи бўлар эди. Тун уники эди. У ҳеч кимдан сўраб ўтирмай эркин ва хушчақчақ бўйдоқлар каби завқ уммони-га ғарқ бўлиши мумкин эди. Хоҳласа, эрталабгача айш-ишрат қилса ҳам бўлади. Негаки, уйда Кети уни сабр косаси тўлган ҳолда кутиб ўтиргани йўқ. Ярим тунгача Мак-Клоснида ўртоқлари билан бильярд ўйнаши мумкин. Кети йўқ...

Жон Перкинс ўз туйғуларини таҳлил қилишга одатланмаган эди. Бироқ ҳозир у меҳмонхонада ўтириб, ўзининг кайфияти нима учун тушиб кетгани ҳақида ўйлаб бошлади. Ўйлаб қараса, бахти бутун бўлиши учун, албатта, Кети ёнида бўлиши шарт экан. Унинг бир хил чўғсиз турмуш тарзига

кўникиб қолган ҳислари гўё қайта уйғонгандек эди...


«Мен ўзим аҳмоқман, — ўйлай бошлади Жон Перкинс. — Кетига яхши муносабатда бўлмайман. Кўнглига қарамайман, ишдан кейин у билан бирга бўлиш ўрнига ўртоқларим билан бильярд ўйнайман. Ичкилик ичаман. Бечора хотиним эса ҳамиша ёлғиз. Унинг мендан бошқа кўнглини очадиган бир дардқаши йўқ. Жон Перкинс, сен аҳмоқсан, аҳмоқларнинг аҳмоқисан! Бўлди, энди ўзгараман, айбларимни ювишга ҳаракат қиламан. Бундан буён уни кўнгилочар жойларга, театрга олиб бораман. Мак-Клосни ва у ердаги қиморбозлар тўдаси билан алоқани узаман!».

Ойна ортидаги шаҳар шовқини Жон Перкинсни рақсга тушаётган чироклар ёғдуси билан ўзига чорлар эди. Шу тобда Мак-Клоснида кечки жангга тайёрланаётган ўртоқлари эринчоқлик билан бильярд шарларини ураётган бўлсалар керак... Бироқ буларнинг ҳеч бири Перкинсининг пушаймонлик чулғаб олган қалбини ёрита олмасди. Унинг зулмат қоплаган тунд қалбига фақатгина Кетигина ёруғлик олиб кира оларди.

Жон Перкинсининг ўнг томонида турган стул суюнчиғида Кетининг кофтаси осилиб турар, унда хотинининг қиёфаси мужассам эди, гўё. Унинг енгида нозик ажинни эслатадиган излар сақланиб қолганди. Бу излар Жон учун қанчалар азиз, унга қулайлик яратиб, ҳаловат бахш этиб келаётган қўлларнинг изи. Ундан кўнгироқгулларнинг ҳиди таралмоқда. Жон унинг енгини сийпалаб узоқ тикилди, кўзларида ёш қалқди. Кети келса, ҳаммаси бошқача бўлади. Эътиборсизлиги учун ундан кечирим сўрайди, энди рафиқасининг барча чеккан азоблари унут бўлади, унинг кўнглига қарайди, у хурсанд бўлиши учун барча ишни қилади, совға-саломларга кўмиб ташлайди. Усиз яшаб бўлмас экан...

Кутилмаганда эшик тарақлаб очилди. Унинг ўйлари ҳар томонга сочилиб кетди гўё. Хонага сумка кўтариб олган Кети кирди. Жон унга анграйиб қараб қолди.

— Қайтганим қандай яхши



O. GENRI



бўлди, — деди Кети. — Онамнинг касали кўрқинчли эмас экан. Станцияда кутиб турган укам хуруж енгил кечганини ва телеграмма юбориб бўлганидан сўнг тезда ўтиб кетганини айтди. Мен эса кейинги поезд билан изимга қайта қолдим... Жон, жуда ҳам қаҳва ичгим келяпти...

Фрогмор уйининг узатиш тизими изга тушиб, тасма ҳаракатга келди ва филдираклар яна аввалгидек айлана бошлади.

Шу тоб Жон Перкинс беихтиёр соатига қаради. Ўн беш дақиқа кам тўққиз бўлибди. У шляпасига қандай қўл чўзганини ўзи ҳам билмай қолди, уни олгани ҳамон оёқлари измида эшик томон йўналди.

— Йўл бўлсин, жаноб Жон Перкинс! Қаёққа кетаётганингизни билсак бўладими? — асабий ҳолда сўради Кети.

— Мак-Клоснига, ўртоқларим билан бир-икки қўл ташлашиб келсам дегандим...

Рус тилидан Хонимой ўғирди





DOIRA SAN'ATI DARG'ASI

Доира санъати ҳақида сўз кетганда беихтиёр кўз ўнгимга уста Олим Комилов сиймоси келади. Бошида дўппи, меҳрга қорилган кўзлари синчков, чўзинчок юзи, чўкки соқоли ўзига ярашган, қўлида борлиғи-ю, ҳаётини бағишлаган доираси. Узун-узун бармоқлари ана шу доира пардасини силаб лаҳзалар ичида бир янги куйни бошлаб юборишга шай тургандай... Устозларимиз у кишини бизга шундай таърифлаб берган эдилар. Ҳар гал ёшларга доира санъати сирлари, унинг ўзига хос қирралари ҳақида гапириб берар эканман, устозларимиздан эшитган бир воқеани қайта-қайта ҳикоя қилгим келаверади...

Ушанда Уста Олим олтимиш ёшда экан. Бир гуруҳ санъаткорлар Лондон сафарига отланишади. У кишига Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов, Тамарахоним ҳамроҳ бўлади.

Уста Олимнинг сафарга чиқиши арафасида пешонасига чиққан яра оғриғи Лондонга борганида янада кучайиб, чидаб бўлмас даражага келади. Бу балони жарроҳлик йўли билан олиб ташлашдан бошқа чора йўқ экан. Олиб ташлайдилар. Аммо уста холсиз, бемажол. Фестивалда унинг ўрнини босадиган бошқа одам йўқ. Нима қилиш керак, деган савол ҳаммани қийнаган. Шунда Уста Олим:

— Агар ўлим хавфида бўлсам ҳам, барибир, саҳнага чиқаман. Чунки бугун мен Ўзбекистонимнинг санъатини намоёиш қилишим керак, — дея қийналиб бўлса-да ўрндан турибди.

Альберт-Хилл кошонаси. Ўн мингга яқин томошабин ташриф буюрган. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган санъаткорлар навбати билан саҳнага чиқиб томошабинлар билан юзма-юз бўлади. Кутилган ҳаяжонли лаҳзалар. Навбат ўзбекистонлик санъат усталарига келади. Юртимиздан борган барча санъаткорларнинг нигоҳи Уста Олимда. Улар саҳна-



га чиқиб келишганда кошонани пашша учса эшитгудек сукунат қоплайди. Ўзбек делегациясидан борганлар: «Инглизлар бизларнинг санъатимизга тушунармикин?» — деган хавотирда бўлишади. Бошига теккан тиг таъсирида Уста Олимнинг ҳарорати кўтарилган. Аҳвол жуда танг, санъаткорлар ичига чироқ ёқса ёришмайдиган ҳолатда. Уста Олим дўстлари нигоҳидаги умидсизликни кўриб, бор кучини йиғиб ўзини қўлга олади ва шиддат билан «Қари наво» рақси куйини чала бошлайди. Саҳна бирдан жонланиб кетади. Куй оҳангига мос ҳолда Тамарахоним чарх уриб, кўзларни кувонтириб рақсга туша бошлайди.

Устоз инглиз халқини санъати билан ҳайратга солади. Томошабинлар Уста Олимдан раққосасиз ҳам куй чалиб беришни илтимос қилишади. Шунда у «Ногора ўйини» ва «Тантана» куйларини чалиб беради. Улар томошабин нигоҳидан куч олиб куйдан-куйга ўтишиб, ўн минг одамни ўзларига маҳлиё қилиб қўйишади. Бундан роҳатланиб, руҳланган халқ зални ёриб юборгудай қарсақ чалади...

Ўша пайтда унинг доираси куй чалмаган, балки томошабинларга қараб ҳаяжонли ўзбек тилида сўзлаган, деб эслашади сафар иштирокчилари. Унда доирани гапиртира олиш қобилияти борлигидан руҳланиб кетган ўша пайтдаги Англия қироличаси Елизавета I ҳам Уста Олимни олқишлайди ва куй тугагандан сўнг саҳнага чиқиб, доирани қўлига олиб томоша қилади. Ҳайратланади. Сўнгра Уста Олимнинг сирли туюлган қўлини ушлаб кўради. Ҳайрати янада ошиб мўъжизакор бармоқлардан гипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишни буюради. Бу бармоқлар нусхаси ҳамон музейда сақланади. Рақс фестивалида беш нафар санъаткор олтин медалга сазовор бўлган бўлса, шундан иккитасини — Уста Олим Комилов ва Тамарахонимлар олишади...

Ҳа, санъаткор учун саҳна ҳар доим малҳам вази-фасини ўтаб келган. Мен Уста Олим Комиловни кўрмаганман. Аммо унинг Лондон саҳнасидаги ҳолатини хаёлан тасаввур қилмоқдаман.

Доира билан шуғулланган санъаткорлар ўзга соз чолғучиларидан мутлақо фарқ қилади. Ўзга созда шуғулланган санъаткор чолғусида маълум маънода чегара мавжуд ва шу боис ўша чегара чизигини босиб ўтиб кета олмайдилар. Доирада, унинг овозида чегара йўқ. Агар санъаткорнинг кайфияти бўлмаса, ўша чегарага етолмайди. Гар руҳи тетик, кайфияти аъло даражада бўлса, ҳар қандай чегарани писанд қилмай зарбни авжига чиқара олади.

Уста Олим Комиловнинг Альберт-Хилл саҳнасида томошабинларни бемор ҳолатида ҳам ўзига қаратиб, энг оғир чолғулардан ҳисобланмиш доирани завқ

билан чалиши таг заминиди санъаткор бурчи, Ватанига бўлган улуғ муҳаббати ётганлигини ҳис қиламан.

Ўзим ҳам дунёнинг ўнлаб мамлакатларининг энг обрўли саҳналарида доира чалишимга тўғри келган. Ўшандай паллалар Ўзбекистон номидан саҳнага чиққанимни эслайман ва доирага юрагимнинг дуқури жўр бўлаётгандек, зарбаларга зўр бераман. Устозим Уста Олим ҳам ўша паллалар ана шундай хаёллар билан яшаган бўлса керак деб ўйлайман.

Ўшанда Уста Олим минг бир қувонч билан: «Лондон фестивалида қозонилган ютуқ ёлғиз менинг ютуғим эмас. Бу ўзбек санъатининг ютуғи», деб айтган экан.

Ўша Лондон сафаридан бошлаб, Уста Олим Комиловнинг довуғи Европага ёйилади. Овоз ёзиш студиясида унинг ижросида кўплаб усуллар ёзиб олинади. Устанинг сеҳрли қўлларидан таралган наволар, европалик томошабинларнинг қалбига ҳам бир умрга муҳрланади.

Мен устозимга қалбимнинг тўридан жой берганман. У киши ҳар лаҳза меҳмонимдир. Хонамда сурати осилган туради. Ҳаётимдаги қувончли, қайғули кунларда хонамга кириб, устозим билан хаёлан суҳбатлашиб, дардлашаман. Кўнглимни безовта айлаган хаёлларимни уларга тўкиб соламан. Шунда ен-

гил тортиб, остона хатлайман. Кайфиятим кўтаринки, нигоҳларим ўткир, хаёлларим учқур бўлиб қайта ишга шўнғийман.

Уста Олим Комилов моҳир раққос, бир неча мусиқа чолғуларида халқ меҳрини қозонган санъаткор бўлганлигини асло эсдан чиқармаслигимиз керак. Аммо ўша мусиқа чолғулари орасида доирага унинг меҳр-муҳаббати баланд бўлган. Доира чалишга кўп вақтини ажратиб, ана шу чолғунинг энг улуғ моҳир ижросисига айланган.

Уста Олим Комилов миллий рақслар бўйича бир юз йигирмага яқин усулни ёдида сақлаган ва шу усулларнинг ярмини ўзи яратган. «Доира чолғуси билан шуғулланган санъаткор бу усулларни билиши лозим. Чунки буларсиз турли рақсларни ижро этиб бўлмайди. Усуллар — рақсларнинг алифбосидир», — дер экан Уста Олим шоғирдлари даврасида.

Устоз санъат оламида жуда гўзал чўққиларни эгаллади, ўзбек миллати шаънини кўкларга кўтарди. Бу каби устозларнинг ҳаёти, фаолияти, фидойилиги биз ва ўсиб келаётган ёш санъаткорлар учун ўзига хос ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Дилмурод ИСЛОМОВ

GULXAT

Ота о'ртак, она намуна бо'lsa...

Таниқли сиймолар, кўплаб алло-маларнинг таржимаи ҳолига назар ташласак, болаликдан ўсган муҳити, оилавий анъаналари кейинчалик улар камолотида қанчалик аҳамият касб этганини кўрамиз. Бир эслайлик, ҳазрат Алишер Навоийнинг улуғ шоир бўлишига ҳам тоғалари томонидан ўтказиб келинган мушоира кечалари кўпроқ таъсир кўрсатмаганмиди?!

**Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртақ эшитгандим
Сўзлаб берарди бувим...**

Барчамизга ёд бўлиб кетган ушбу сатрлар муаллифи Ҳамид Олимжон ҳам ана ўша уйқусиз тунларининг ҳосилини етук шоир бўлганида ҳис қилган эди. Бу оддий мисоллар...

Халқимизда «Ўғил отага бўйлашиб, қиз онага эргашиб камолга етади», деган гап бор. Эътибор берсак, шифокорларнинг фарзандлари шифокор, санъаткорларнинг фарзандлари санъаткор, ижодкорларнинг фарзандлари кўпроқ ижодкор бўлиб етишган ҳоллар жуда кўп. Муҳит, эътибор истеъдодни юзага чиқаради. Спортчилар оиласи, санъаткорлар оиласи, ҳунармандлар оиласи, шифокорлар

сулоласи, ўқитувчилар сулоласи шу сабаб бардавом бўлса, ажабмас...

Яқинда бир танишим китоб дўконидан уч-тўртта китоб олиб қайтаётган экан. Йўл-йўлакай у менга оилавий анъанасини сўзлаб берди. Улар турмуш ўртоғи билан бир китобни ўқиб фарзандларига ҳам тавсия қилар, ҳар куни болалари даврасида ўқиган жойларини муҳокама қилишар экан. Худди қизиқарли сериалнинг охирини билишга қизиқишгандек бошлаган китобини ўқиб тугатишга интилар, ким кўп ўқишга мусобақалашар экан. Бу анъана менга жуда ёқиб қолди. Шунинг учун ўз оиламизда қўллаб бошладим. Ҳозир натижа яхши. Аввалига дангасалик қилгандек кўринган фарзандларим секин-секин ўзаро муҳокама қиладиган, янги китобларни менга ҳам тавсия қиладиган бўлишди. Мен учун дастлаб қийин туолган бу анъана жуда осон экан. Шундай қилиб, уйимизда яхшигина кутубхона ҳам ташкил қилдик.

Менга телефонда узундан-узок суҳбат қиладиган, ижтимоий сайтларда санъаткорлар ҳаётига оид ғийбатлар, олди-қочди гапларни ўқиб ўтирадиган, умуман, қимматли вақтини беҳуда сарф қиладиган ота-она-

лар ғалати кўринади. Шу фурсатда ҳеч бўлмаса бир-икки варақ бўлсада китоб ўқиш мумкин-ку, деб ўйлайман. Ғийбат билан кўнгилини кир қилгандан, китоб ўқиб маънан бойиган яхшимасмикан...

Уйимизни турли мавзулардаги китобларга тўлдириб қўйишимиз, фарзандларимизга китоб ўқисанг, истасанг нарсангни олиб бераман, деб шарт қўйишимиз мумкин. Натижачи? Ўзимиз ўртак бўлмасак, ҳаммаси бе-самар! Ватанимиз келажаги бўлган ўғил-қизларимиздан умидимиз кўп. Уларнинг истиқболи йўлида ўзимиз намуна бўлсак, мақсадга етишимиз осонроқ кечади. Яхши китоб бола кўнглини тарбиялайди, дунёқарашини бойитади, яхшиликка, эзгуликка ошно этади, янги-янги мақсадлар, орзулар сари бошлайди. Фарзандларимизни яхши билан ёмонни, оқ билан қорани фарқлашга ўргатади. Ўқиганини ўқиб боради. Юқорида айтиб ўтганимдек, мен буни ўз оиламда, фарзандларимда синаб кўряпман. Бу анъана самарасини болаларимнинг юз-кўзида, муомаласида, орзу-интилишларида сезяпман. Китоб — офтоб, деган ҳикматнинг моҳиятига энди тушунгандайман. Шунинг учун бу хайрли ташаббусни фарзандлари камолини кўрмоқчи бўлган бошқа ота-оналарга ҳам илингим келди.

**Дилфуза ЭРБОЕВА,
Турин академик лицейи
ўқитувчиси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги
«2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини
ташkil қилиш тўғрисида»ги 178-сонли Қарорининг ижроси бўйича
Самарқанд вилоятидаги
маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан

фотонавҳалар








Онам аytган алавлар

Она алласи билан фарзанд шуурига, онгига, қонига нафақат волидасига нисбатан, балки шу муқаддас заминга, Ватанга меҳр сингиб киради. Бу меҳр унинг ўзи билан каттариб, улкан муҳаббатга айланади. Алла тинглаб вояга етган боладан ёмонлик чиқмайди. Она алласи билан шакланган меҳр бир кун улғайиб, ўлмас қадриятлар, анъаналар, маънавиятга бўлган муҳаббатга айланади. Бешикка боғланган меҳр эса ўсиб, Олтин бешик — Ватанга кўчиб улғайиб боради. Ватанга, юртга, халққа, миллатга бўлган садоқат илдизлари алла орқали мурғак чоғимизда қалбимизга ташланган уруғдан униб чиқади. Алла — чинакам маънавий куч. Унда онанинг орзулари, армонлари яширин. Шунинг учун аллада меҳр бор. Дуо бор, тилак истак, саодатли кунлар соғинчи бор. Онанинг меҳридан ийган сўзлар кўшиққа айланиб, боланинг қулогидан киради ва юрагига ўрнашади.

*Ойни олиб берайми,
Гуллар териб берайми,
Атрофингда айланиб,
Шамол каби елайми...
Ухла, қўзим аллаё
Ухла, юлдузим алла...*

Нимагадир ақлимни таниганимдан кейинги кўп нарса ёдимдан чиқиб кетгану, болалик хотираларим кўпроқ эсимда. Синглим билан жуда кўп воқеаларга сабабчи бўлганмиз. Чақалоқ укамга нон едирмоқчи бўлганимизу мушугимизнинг думига лента тақиб кўйганларимиз... Ҳамма ҳаракатларимиз кечкурун онам укамга алла айтишни бошлаши билан якун топарди. Синглим шўхроқ бўлгани учун укамдан ҳам олдин ухлаб қоларди. Мен ҳам алланинг сеҳрли кучиданми, кундузи ўктам ва меҳнаткаш онамнинг тундаги мунгли овозиданми, ёруғ-ёруғ орзуларга берилганча ухлаб қолардим. Ҳар бир инсоннинг ўз онасидан эшитган аллалари шуурининг қайсидир қатламларида шундай яшайди. Келажакда ким бўлиши, қайси соҳада ишлаши, иқтидорининг юзга чиқишида эшитган аллалари ҳам пойдевор бўлади. Бу муболаға эмас. Оналар болаларини ботирим, бек болам деб эркалаб, олим бўлгин, мулло бўлгин, деган тилаklarини кўшиб алла айтади. Ҳали ташқи дунёдан беҳабар, мурғак боланинг оқ қоғоздек пок онги шу тилаклар билан бойийди. Қизалоқларга эса



авайлаб, эркалатиб, номусим, орим, уйимнинг гулшани, боғимнинг тоза гули, улғайганда кўзимнинг нури деб алла айтилган. Қизлар энг ширин гапларни, ўзи ҳақидаги мақтовларни уйда эшитса, кўча-кўйда ҳар хил гапларга эргашмайди, дерди аммам.

Фарзандимни илк бор қўлимга олганимдаги ҳаяжон, меҳр, кўнглимдаги барча яхши тилакларни унга етказиш иштиёқига қоришиб кетди. Беихтиёр алла хаёлимга келди. Кўнгимни тошириб келган меҳр қўшиққа айланиб, тилимга кўчгиси келар, нима деб эркалатмайин, оҳанг бўлиб чиқаверар эди. Бола дунёни она қорнидалигидаёқ англайди, дейишади. Шунинг учун ҳомиладор аёлларга кўпроқ китоб ўқиш, турмушда бўладиган кўнглисизликларга беэътибор бўлиш, азадор жойларга бормаслик тавсия қилинади.

Бола дунёга келгач овозларни, шаклларни, рангларни англаш жараёни бошланади. Илк бор эшитган қўшиғи алла эса бир умрга татийди. Меҳр сўзга айланса, ўз-ўзидан оҳанг қўйилиб келаверади, келаверади.

**Жон болам, жоним болам, алла
Қалбим ардоғи болам, алла
Кўзим қароғи болам... аллаё...**

Бола онасини ўзининг ҳимоячиси деб билади. Унга ва фақат унга интилади. Бироз кўринмай қолса, излай бошлайди. Баъзида чақалоқ уйғониб кетиб, ўзича ҳар хил овоз чиқариб кўради. Бу овоз айнан алланинг ритмига ўхшайди. У онага тақлид қила бошлайди. Мана, нима учун алла қадим қадрият сифатида эъзозланади! Алланинг миллати, элати йўқ. У қайси тилда айтилмасин, бирдай ёқимли ва оромбахш. Унинг сўзларига таржима керак эмас. Оҳангига мусиқа шарт эмас. Алла эшитиб улғайган болада онг тез шаклланади. Тийрақроқ бўлади. Ўз уйини, ўзининг бешигини соғинади. Бу бола улғайганида ҳам ўз туғилган заминига, Ватанига садоқатли бўлади. Алла ҳақида рисола тайёрлаган тадқиқотчи Гулжаҳон Мардонова шундай ёзади: «Сибир халқлари ахлоқи нобоп кишиларни кўрсалар, «Бу онадан алла эшитмаган, балки фақат силташ эшитган» дейишади». Аллада қалб бор, силташда эса... Демак, инсон кўнгли кўламининг кенгайишида алланинг ўрни бемисл экан.

Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида «Боланинг мижозини кучайтирмақ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир» деб ёзган. Бу бешик ёки беланчак ва унинг қошидаги онани кўз олдимишга келтиради.

Алла илгари қанчалик қадрланган бўлса, ҳозирги пайтда ҳам шу қадар эътиборда. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» китобида «Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгли дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдақнинг жисму жонида илдиз қолдиради» деган сўзлар бор. Мустақилликка эришилгандан кейин юртимизда баркамол авлод тарбияси кун тартибига чиқди. Фарзандларимиз ҳам

жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиши учун кенг кўламадаги ишлар амалга оширилди. Шу қаторда алла ҳам илк маънавий тарбия воситаси сифатида эътибордан қолмади.

Шоир Расул Ҳамзатов «Агар оналарнинг алласи бўлмаганда эди, жаҳон шеърини яралмаган бўларди. Яралганда ҳам бугунгидек жозибали бўлмас эди», деб ёзади. Бу гапда ҳақиқат бор. Чунки қайси шоирнинг ижодини кўздан кечирмайлик, Она алласидан бошланганлигига гувоҳ бўламиз.

Гулжаҳон Мардонова ҳам ўз тўпламида шоирлар, рассомлар, хонандалар, олимларнинг болалик кунларида онасидан эшитган аллаларнинг ҳаёти давомидаги таъсири ҳақидаги фикрларини жамлаган. Улар билан таниша туриб, барча оналарнинг ниятлари, эртанги кундан умидлари фарзандлари билан боғлиқлигига яна бир қарра амин бўлдим. Ижодкорларнинг аксарияти болалик кунларини, ундаги ёрқин хотираларни шундай эсга оладики, уларнинг ҳар бирида болалик соғинчи, яна бир бор алла эшитиш иштиёқи барқ уриб туради. Шу тўпلامни ўқиб, нимагадир онамни қаттиқ соғинганимни, алла айтиб беришини жуда истаётганимни ҳис қилдим. Соғинч таъсирида кенжамга алла айтдим. Фарзандларим бундан ажабланишди...

Оналарнинг қўшиғи болани ухлатиш учун қуйланмайди. Она бор меҳрини, эътиборини болани бешикка солиб, ухлатаётганда унга йўллагиси келади. Унга эртақлар, афсоналар айтиб беради. Ва уйқуга кетишидан олдин ёқимли овоз билан алла айтади. Бу қўшиқ болани ором олдириши, ухлатиши мумкин. Бироқ аслида уни маънан уйғотади. Руҳан бойитади. Аслида оналарнинг мақсади ҳам шу.

Нега буюк Пушкин энагасига шеър битди? Унинг онги шуурини айнан Арина Радионовнанинг маънавияти, донолиги уйғотмаганмиди? Истеъдод ҳам бўлгани рост. Бироқ истеъдодни юзага чиқариш, йўналтириш учун болаликдаги тарбия ўта муҳим. Бу эса оналар алласидан бошланади.

Яқинда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Онам айтган аллалар» фестивали ўтказилди. Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодининг дурдонаси бўлган алла жанрини аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу фестивалда халқимизнинг ардоқли, катта тажрибага эга бўлган онахон актрисалари Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова, Азиза Бегматова, Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Зулайҳо Бойхонова, Гулсанам Мамазоитова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матлуба Дадабоева, Зоя Цой, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Зиёда Қобилова, Маъсума Болтаева, Гуласал Абдуллаева ва яна бир қатор иқтидорли ижодкорлар алла айтишди. Тадбирда айтилган аллалар, билдирилган фикрлар йиғилганларни яна бир бор болаликнинг масрур кунларига олиб кирди. Оналар саодатли бўлса, кўнглига қўшиқ сигади. Оналар алла айтар экан, бу элда ҳали кўп истеъдодлар улғаяжак.

Манзура ШАМС




ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Гулистон» журнали барча фотожурналист, фоторассом ва ҳаваскор сураткашлар учун танлов эълон қилади. Энг сара фотоасарлар журнал саҳифаларида ёритилиб, йил охирида ғолиб эълон қилинади ва таҳририятнинг махсус совғаси топширилади.

Ушбу саҳифада фоторассом Машраб НУРИНБОЕВ ижодидан намуналар ёритилмоқда.





MADANIYAT VA SAN'AT RIVOJI YO'LIDA

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган фестивал ва танловлар сарҳисоби ҳамда янги лойиҳалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазири в.в.б. Баҳодир Аҳмедов вазирлик тизимида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар тўғрисида фикр билдирди.

Ўтган давр мобайнида вазирлик томонидан маданият ва санъат йўналишида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, янги ташаббуслар, эзгу интилишларни қўллаб-қувватлаш, кенг тарғиб қилиш, соҳани янада ривожлантириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли фестивал ва танловлар, ёшлар сайиллари ўтказилди.

«Фавворалар сайли», «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилари республика фестивали, Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти ҳудудий босқичлари, «Ниҳол» совриндорларининг «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз» шиори остидаги ҳисобот концертлари, опера ижрочиларининг халқаро танлови, «Созлар навоси» ёш муסיқачилар республика танлови, «Дебют» республика ёш ижодкорларнинг кўрик-фестивали, «Онам айтган аллалар» фестивали шулар жумласидандир.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимизнинг маданият ва спорт соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб, самарали меҳнат қилиб, республика аҳамиятидаги давлат тадбирларида фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ соҳа ходимлари Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг дипломлари, фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Улар орасида ёшларга маданият ва санъат йўналишида таълим бериб келаётган Муҳаммад Мараҳимов, Гулмира Мадраҳимова, Чаросой Жўрабоева, Муяссархон Сотволдиева, Нодира Қурбонова, Қодир Мўминов, Гулнора Қаҳҳорова, Карим Мирҳодиевлар бор.

Устоз санъаткорлар билан бир қаторда миллий эстрада ва замонавий йўналишда фаол ижод қилиб келаётган хонандалар Гулсанам Мамазоитова, Зиёда Қобилова, Зилола Мусаева, Улуғбек Раҳматуллаев,

Абдурашид Йўлдошев, Шоҳруҳ Йўлдошев, Зарина Аҳмедова ва бошқалар ҳам муносиб тақдирланди. Анжуманда ёшлар камолотига йўналтирилган лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маданият ва санъат ривожини йўлида 2015 йилда 18-25 ёшдаги симфоник ва эстрада чолғу ижрочиларининг «Шодлик наволари», болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўртасида «Санъат қалдиғочлари», «Оммавий-маданий тадбирлар лойиҳалари», 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ижодкорлар учун «Ижодкор ёшлар оромгоҳи», балет ва замонавий рақс ижрочиларининг «Ёшлик завқи», ёш қизиқчи ҳамда сўз усталари иштирокида «Хуш кайфият», 30 ёшгача бўлган бастакорлар ўртасида «Ижодимиз сенга, Ватан!» кўрик-танловлари ва фестиваллари ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили»га бағишлаб «Истиқлол» санъат саройида устоз-шогирд санъаткорлар иштирокида концертлар уюштиришга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Дилфуза



Sahna ortidagi hangomalar

Хайдар МУҲАММАД

СОҚОЛНИНГ ТАГИДА БИЛИНМАЙДИ

Миллий театр ташкил этилган дастлабки йилларда мусиқали спектакллар ҳам саҳналаштирилган. Бастакор Имомжон Икромов актёрларга ашула усулларини ўргатар экан. Бир куни Обид Жалилов ашула усулидан чиқиб кетибди.

— Обид, ашулани бузиб айтма! — деб танбех берибди Имомжон ака.

— Ташвиш тортманг, уста, бузилгани соқолнинг тагида билинмайди, — дермиш Обид ака.

Шу-шу ким ашулада усулдан чиқиб кетса, соқолнинг тагида билинмайди, деган гап қолган.

МИРЗО УЛУҒБЕК КЎЗЛАРИДА ЁШ БИЛАН

«Мирзо Улуғбек» спектаклининг репетицияси жараёнида Улуғбек қиёфасидаги Шукур Бурхонов севгилисининг олдига кириб: «Феруза, ҳар куни ҳузурингга киролмаётибман», деб кўзларидан ёш оқиб кетарди. Буни кузатиб юрган Икром Болтаева: «Шукур ака, эр деганнинг хотини олдида кўзларида ёш ёлқиллаб туриши хунук, бунинг устига сиз шоҳсиз», деб танбех берибди.

— Ошиқликда шоҳу гадо, қари-ю ёш баробар, — деб кўя қолибди буюк актёр.

ТОШ... ТОШ... ТОШ...

«Олтин девор» спектаклини эсга олайлик: Мўмин девор тагидан топган олтинларини халтачага солиб ёстиғининг тагида қўйиб ётади. «Ўғри» халтачани олиб, бўшатади-да, ўрнига майда тошларни солиб, яна жойига қўйиб қўяди. Мўмин буни билгач, эси оғиб «тош... тош... тош...», деб ўйин тушади.

Спектаклга тайёргарлик давомида Фани ака хотини билан бир лозимандага кетаётган эди. Хаёли ўзи яратаётган образда. Олтини йўқолган одам қай аҳволга тушади? Агар олтин деб билгани тошга айланиб қолса-чи? Пьесада бунга жавоб йўқ. Йўл асносида Фани аканинг хаёлига гаройиб фикр келади: «тош... тош... тош...», деб ўйинга тушаман» деган қарорга келади ва буни овоз чиқариб айта бошлайди. «тош... тош... тош...» Келиноининг исмлари Тошхон эди. Ўзаро муомалада оддийгина «Тош», деб чақирарди Фани ака. Овоз чиқариб «тош... тош... тош», деб кетар экан, келиноий ҳам мени чақиряптилар, деган хаёлда «лаббай... лаббай... лаббай» дермишлар.

ЖАННАТДА ҲАМ МУШУК БЎЛАРКАНМИ?

Миллий театр жамоаси қайси йил ёзда Қашқадарёга боради. Кун ниҳоятда исиб кетган экан. Кимдир бугун Мироқига борамиз, у жой нақ жаннатнинг ўзи, дейди.

Ниҳоят кечки пайт Мироқига келиб санаторийга жойлашишади. Артистлар ўрнашган бир қаватли бино катта боғнинг чеккасида бўлиб, битта эшиги боғ томон очилар экан.

Тўйчи Орипов билан Толиб Каримов қаерга боришмасин, ҳамиша бир хонада туришади. Ярим кечаси булар ётган хонага иккита мушук кириб қолиб, биғиллаб қолишади. Тўйчи ака довдираб уйқудан уйғониб:

— Толиб, биз қаердамиз? — деб сўрабди.

— Жаннатдамиз, — дебди Толиб ҳам уйқуси ўчиб.

— Ие, қаранг, Толибжон, жаннатда ҳам мушук бўларканми...

ФАМИЛИЯМНИ ҲАМ БИЛАСИЗМИ?

Бир куни радио мухбири Турғун Азизовдан интервью олмақчи бўлди.

— Менинг унвонларимни биласизми? — деб сўради Турғун Азизов.

— Биламан, Ўзбекистон халқ артистисиз.

— Яхши исимим нима?

— Турғун ака.

— Яхши, фамилиямни ҳам биласизми?

— Албатта, биламан.

— Хўш, фамилиям нима экан?

— Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов!

— Интервьюни Турғун Алиматовдан олинг-да, мен туғилганимдан бери Турғун Азизовман!

ХАНЖАР ЎРНИГА ҚИЛИЧ

Примкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари асосида ишланган спектаклда Шоҳида Исмоилова ханжар кўтариб чиқиши керак эди. Нима бўлиб ханжар йўқолиб қолди. Шоҳида ханжарсиз саҳнага чиқди-да, ёнидаги навкарнинг қиличини шартга суғуриб олиб, ханжар эмас, қилич билан келганини айтади. Спектаклдан кейин навкар родини ижро этган актёр «Яхшиям қилич суғуриладиган экан, бўлмасам, шармандангиз чиқарди», деди.

— Қилич суғурилмаса, қини билан тортиб олардим, — дейди Шоҳида.

ШЎР ПЕШОНАМДАН ЎПИБ ҚЎЙ

Бир қиз Сойиб Хўжаевнинг уйига келиб:

— Амаки, бир чимдим тузингиздан беринг, — дебди.

— Тузни нима қиласан, қизим, — дебди Сойиб Хўжаев.


— Кеча бир йигит: «Синглим, гапингизнинг тузи йўқ экан», деди.

— Бу тузни қаердан олишим мумкин, десам, Сойиб Хўжаевдан топасиз, деди, шунга келдим.

— Ундай бўлса, қизим, пешонамдан ўпиб қўй. Гапинг тузлик бўлади, — деган экан.



Журналимизнинг ўтган сонида ёзувчиларимизга «Ижодкорни қўлга қалам олишга ундаган хусус нима?» деган савол билан муурожаат қилган эдик. Бу гал шеърият шайдоларига яхши таниш икки шоиримиздан уларни ёзишга чорлаган жиҳатлар ҳақида гапириб беришларини сўрадик. Қуйида уларнинг одам ва олам, умуман, борлиғу ижод сеҳри борасидаги ўзига хос фикрларини журналхонларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз.



Мен нима учун юзатаман?



Баҳром РЎЗИМУҲАММАД:

— Мен доим маломат туйғуси хусусида ўйлаганман. Аммо, кейинчалик бунга парво қилмадим. Ўзим истаган усулда қалам тебратдим. Сўфиёна шеърият жозибасидан завқ топдим. Мустақиллик йилларида ёруғлик юзини кўрган «Икки нур» (1994), «Давсаман» (1995), «Тинч гуллайдиган дарахт» (1997) номли китобларимда бадиий тафаккуримдаги ўзгаришларни ифода қилганман:

**Йўқ нолимайман
яхши экан бу дунёда кўз очмоқ
ранглардан чарчаган қорачиқларга
таътил бердим мен бунга келиб.**

Бу хилдаги шеърларни эски тузумда нашр эттириб бўлмасди, билакс пешонага «мистик шоир» тамғасини босар эдилар. Ўйлайманки, агарда Мустақиллик воқеликка кўчмаганида биз, яъни Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, камина, Эшқобил Шукур, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзо каби шоирлар авлоди ўзлигини намоён қила олмаган бўлур эди. Аслида, ўзаро кам гаплашамиз, аммо руҳий яқинлигимизни ҳамаша илғаймиз.

Гоҳо шеър ёзаётиб картина чизаётгандек сезаман ўзимни. Болалигимда расм «ясаганман». Дадам совға қилган рангли қаламларни конфетлардан ҳам хуш кўрардим. Лекин мендан рассом чиқмади. У ушалмаган орзу шеъриятимга илашиб кирди. Рангларни назм дунёсида ҳам ишлатиш мумкин экан.

Шеъриятдаги тасвирий санъатга яқин нуқталар-

ни символизм йўналиши далиллади. Талабалик вақтларимда Эмил Верхарн қаламига мансуб бир шеърни Ойбек таржимасида ўқиб, қаттиқ ҳаяжонланган эдим. Шеърий картина не эканлигини ўшанда тушундим. Хуллас, Леонардо бобо тасвирий санъат ва шеъриятни эгизак турлар сифатида баҳолаб янглишмаган. Тафовутли жиҳат, менимча, шоирнинг имкониятлари рассомникидан кенгроқ. Шоир мўъжизакор дунёга рассомдан аввал қадам кўйган. Навоий ҳазратлари назмни бежиз эъжоз мақомида демаган.

Адабиётни Шахслар вужудга келтирадилар. Шахнинг таваллуди — Оллоҳ марҳамати. Бинобарин, банд башорат қилишга ожиз. Лекин шундай бўлса-да ўзбек адабиётининг олтин даври ҳали олдинда, дегим келади.



Зебо МИРЗО:

— Ёзишни билмаганим учун... Дафъатан шу фикр «яроқ» этиб ўтди. Сўраш шартми, ҳаммаси аёнку! Жавоб савол ичида. Бироқ нимаси аён? Мени кимдир берган саволлар эмас, ўзимга ўзим берган саволлар кўпроқ қийнайди... Эҳтимол, ўша тубсиз саволларга жавоб излаганим боис ёзарман. Эҳтимол, ёзмасликни уудалай олмаганим учун?..

СЎЗ КЕЛАДИ. Сўзлар ҳам осмондан тушади, агар кўнглингиз осмонга етган бўлса... Ижод бу Илоҳ билан сирлашувдир. Шеър бу тазарру, кўз ёши, муножот ва ҳатто исён ҳам бўлиши мумкин, кўнглидан енгилган инсон учун. Бироқ бу ҳол шу лаҳзада, шу сонияда Илоҳ ва Инсон қалби ўртасидаги ҳол, сир. Уни ўзгалар ўқиши шарт эмас!

Бу — йўл.. Яратганга йўл. Келиш, қайтиш.. етиш

ва яна нималар деб атаманг, бу талпинишнинг руҳи битта — Ёлғизлик.

Бу шундай ҳолатким, бу ҳол ичида Унинг Ўзидан бошқа сизмайди. «Мен вақт ичида, вақт менинг ичимда», дейди Боязид Бистомий.

Шу пайтгача мен айтиш муҳим деб билардим. Бугун англадимки, айтмаслик қудрати ундан ҳам кучлироқ экан! Сир — бу Қурбият...

Ҳаллож шоир эди, шу боис у енгилди. Айтолмасликнинг юкини кўтара олмаганидан эмас, шунчаки айтиш завқи, руҳининг ҳайрати, хослик хислати теран донолик сукутидан устун келди.

«Сен Ҳаллож ҳам, Боязид ҳам эмассан, нима учун ёзасан, Зебо?» — деб сўрайман ўзимдан. Билмайман...

Билим, мутолаа, тафаккур, тасаввур, тахайюл, бадиий маҳорат, дид — савия ва услуб... Буларнинг бари ва ҳеч бири...

Илҳом онларисиз, жазбасиз асл асарни ёзиб бўлмайди.

Ҳар бир қалб Илоҳ қаршисида тиз чўкмас, парчаланмас, азоб қояларига парчинланмас ва яна қалбга таяниб юксалмас экан, асл ижод намунасини ярата олмайди. Зеро, Арш қалби иштирок этмаган бирор ҳодисанинг ўзи йўқ...

Бу тўқималар маконсиз ва замонсиз, илдизсиз дарахт каби вақт бўронларига дош бера олмайди... Назм аслида насрдан ўсиб чиқади. Наср дунёсига фарқ бўлмай туриб, яхши шоир бўлиш қийин. Бу худди Ой ва Уммоннинг бир-бирига муносабати каби муштарак...

Инсон деган буюк хилқатнинг буюклигию ожизлиги, сирлилигию мураккаблигини бирдай қудрат билан очиб беришга қодир Назар Эшонкулнинг шундай асарларини ўқиганимда назмнинг жуда улкан ички ер ости дарёлари бир нафас тўлқинида оқиб ўтаётганини ҳис қиламан... Кенглик ва қисқалик, юксалик ва теранлик. Истеъдод қирралари барибир тасаввур чегараларидан ортиб қолаверади.

Аслида ёзувчи — мусаввир.

Инсон руҳиятининг мусаввири.

Шеър тили эса рамзлар, тимсоллар тили. Худди туш каби, тасвирий санъат каби... Образлилик, маъжоз — шеърнинг юраги... Инсон ақли етиб бормаган жойга ижодкор ўз руҳи билан етиб боради. Шу боис, тилга келган айрим мисраларни баъзан ақл билан изоҳлаб беролмайсиз.

Шеър менинг ягона мақсадим эмас... Аммо шеър — менга берилган дардларни Сўзда яшаб ўтмоқ имкони... «Ижод инсонни комилликка элтади...» деганди мен севган адиб... Мен эса унинг қудратини кўргим келади...

Ижодий сафарларда катта адиблар, ёш шоирлар билан турли вилоятларда бўлиб, кўпчилик орасида шеър ўқишга тўғри келади.

Баъзан Ишқ, муҳаббат, Ватан ҳақида гуриллатиб шеър ўқиётган шоирларга ҳавасим келади. Бу ҳолатда шеър ўқиш мен учун жуда қийин. Китобимни varaқлаб бирон-бир шеър тополмайман.

Бироқ шеър ёзиш эҳтиёжи заруриятга айланган дамларда келган Сўзлар шу лаҳза учун менга энг гўзал нажотдир. Шеър бу руҳиятнинг хурриятидир... Мен эса уни иштаман... Айниқса, тушларимда...

Шермурод СУБХОН
ёзиб олди



Миролим
ИСАЖОНОВ

ҚОР

Кипригимга қўнган заҳоти,
Титраб кетар вужудим бирдан.
Ёғавер, қор, рақсга тушиб,
Оқ покликка буркансин Ватан.

Бу кун осмон — мусаввира қиз,
Сачраб кетар борлиққа ранглар.
Ер шарини ҳайратга солиб,
Таралади оппоқ оҳанглар...

* * *

Мендан кўра кучли бўлсин у,
Бўйлари ҳам бўлсин алп қомат.
Қизғонмасин оташ меҳрини,
Сенга тортиқ этсин муҳаббат.

Истакларинг бажо айласин,
Ҳамроҳ бўлсин бир умр — доим.
Мендан кўра кўпроқ чексин дард,
Сабр-тоқат берсин Худойим.

Телба бўлсин севги бобида,
Сени севиб асло толмасин.
Уни кучли севмагин зинҳор,
Мендек шоир бўлиб қолмасин.

ҲАЁТ

Кеча бахт опичлаб юрарди мени,
Энг яқин дўст эди кўкдаги ҳилол.
Капалак бахтимга қиларди ҳавас,
Сочимни оҳиста силарди шамол.

Бугун қалбим билан қолганман ёлғиз,
Дардим вужудимга солмоқда титроқ.
Ҳатто қиё боқиб қўймайди дўстим,
Бугун капалак ҳам мендан бахтлироқ.

Ҳаёт, содда дея ўйлама мени,
Аслида гурурим тоғдайин баланд.
Қараб тур, нимага қодирлигимни,
Ғолибликка имзо қўяман, албат!



OSKAR NIMEYER MUZEYI

Архитектор Оскар Нимейер XX асрда ўз ижодий фаолияти билан ёрқин из қолдирди. У ўзи туғилиб ўсган мамлакат пойтахти — Бразилия шаҳрига ҳукумат эътиборидаги кўплаб биноларни лойиҳалаштиришда улкан ҳисса қўшган. Оскар Нимейер ҳаёти давомида 600 дан ортиқ лойиҳалар устида ишлади. Улар орасида ҳатто мамлакат пойтахти рамзига, замонавий меъморчилик намунасига айланганлари ҳам бор. Шулардан бири 2002 йили тугалланиб, дастлаб «Янги Музей» деб номланган ва кейинроқ «Оскар Нимейер» номини олган музей биносидир.

Антиқа кўринишга эга бу музейни йирик ва баҳайбат кўзга ҳам ўхшатиш мумкин. Шу сабаб баъзида уни «Кўз музей» деб ҳам аташади. Оскар Нимейер музей лойиҳаси устида ишлар экан, жой масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Музей пойдевори сунъий яратилган ҳавза ўртасига қурилган. Бу бино кўринишини янада очган.

Музей 3 қаватдан иборат бўлиб, экспозициялар зали, барча қулайликларга эга ресторан ва каттагина дўконни ҳам ўз ичига олган. Аъло даражадаги бундай хизмат ташриф буюрувчиларга барча қулайликларни яратади. Музейга бир бор келганлар яна қайта келиш истагида бўлишади ва ўз таниш-билишларига ҳам бу жой ҳақида гапириб беришади.

Архитектор ҳақида

Оскар Нимейер 1907 йил 15 декабрда Рио-де-Жанейрода партугал-олмонларга мансуб бўлган, зодагон оилада дунёга келади. Ундаги меъморчиликка бўлган кизиқиш коллежда ўқиб юрган пайтларида пайдо бўлади. Оскар Нимейер 1934 йилда Рио-де-Жанейродаги миллий меъморчилик мактабини тугатади. Унинг дастлабки ва муваффақиятли амалга оширган қурилиши ҳам Рио-де-Жанейродаги болалар боғчаси эди. Нимейер фаолияти айнан Бразилияда 1930 йиллардан шакллана бошлаган замонавий архитектура даврига тўғри келади. 1937–1943 йиллар оралиғида Рио-де-



Жанейрода қурилган «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» биносидан айна услуб мужассам. Бинони лойиҳалаштиришда Лусио Коста раҳбарлик қилган бўлса-да, 1939 йилдан бошлаб бино лойиҳаси ва қурилиш ишларини Нимейер ўз қўлига олади.

Шундай қилиб, Бразилиянинг пойтахти Бразилия шаҳрида эътиборга лойиқ кўплаб бино ва иншоотлар Нимейер лойиҳаси асосида замонавий тусда қад кўтара бошлайди. Оскар Нимейер лойиҳаси бўйича Президент саройи «Алворадо» (1958), Олий суд саройи (1960), Миллий Конгресс саройи, меҳмонхона, театр, вазирликлар ва кўплаб бинолар қурилиши шаҳар қиёфасини янада гўзаллаштириб бораверди.

Нимейер лойиҳалари асосида қурилган бино ва иншоотларда классик услубдан Авангард услубигача интилиш яққол сезилиб туради. У лойиҳаларида қурилишнинг асосини ташкил қилувчи темир-бетондан хилма-хил геометрик шакллардан фойдаланишга эришади. Бу эса иншоот қурилишида энг асосий қоида — бинонинг узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлайди.

Оскар Нимейер она ватани Бразилия меъморчилигида ўзининг беқиёс хизматлари билан ёрқин из қолдирди. Юксак истеъдод эгаси Оскар Нимейер ўзи туғилиб ўсган Рио-де-Жанейро шаҳрида 2012 йил 5 декабрда 105 ёшда оламдан ўтди.



**Низомиддин
ТУРСУНАЛИЕВ
тайёрлади**



Бир келишкәүең



— Армиядан келишим билан уйдагилар уйланмасаңг бұлмайди деб туриб олишди, унда ҳали ишламасдим. Каттасидан олгани кучим етмаган, пулимга яраша, кичикроқ бұлса ҳам шунга уйланаверганман, — деган экан.

Бировнинг ҳолига кулмагин зинҳор...

Обил фермернинг боғида қоровул Жўра «овчарка» айланиб юрса, маҳалладаги Ўктамбой дарахтнинг тепасига чиқиб олма тераётганмиш. Унга бақириб кесак отаман деб қоровул шўрлик ҳовузга ағанаб тушибди. Дарахтнинг тепасида турган Ўктамбой бақира кетибди:

— Ўл-а, ичқоралик шунақа бўлади, ўнта олма билан Обил камбағал бўп қолармиди ё сани итлигинг тугармиди? Бу кунингдан ўлганинг яхши, ҳозир сўтка тилпонга видеоингни олиб, блутисдан бутун маҳаллага тарқатвораман!

Шундан кейин телефонини оламан деб қимирлаётиб у ҳам дарахтдан ҳовузга қулабди. Тушибоқ қоровулни маҳкам кучоқлаб дебди:

— Жўра ака, айтсам ишонмайсиз, тепадан атайин кечирим сўрагани тушдим, виждоним қийналиб кетди.

Ўрмондаги фонограмма

Эчки болалари ҳақидаги эртани ҳаммамиз севиб эшитардик, шу эртани қизимга замонавийроқ қилиб айтиб бердим:

...Бўри келиб эшик қўнғироғини босибди. Ичкарида эчки болалари баралла «Ким у?» — дейишибди. Бўри: «Болажонлар, болажонлар, менинг улоқчаларим, эшикни очинглар, мен сизларнинг онангизман, дала-ўрмонларга бориб кўм-кўк ўтлардан еб, тўйиниб келдим...» — дебди. Шунда эчки болалари: «Йўқ, йўқ, онамизнинг овози бунақа йўғон, хирилдоқ ва ёқимсиз эмас», — деб эшикни очшмабди.

Бўри индамай ортига қайтиб ўрмондаги студияга борибди-да, эчки айтадиган гапларни «плюс» фонограмма қилиб келибди.

Шундан сўнғ бўри эчкининг уйига келиб фонограммани қўйиб берибди. Эчки болалари онасининг овозини эшитиб эшикни очишибди.

Эчки ўрмондан қайтиб келиб уйнинг бир бурчагига беркиниб бўридан қутулган улоқчасидан:

— Менинг овозим билан бўри овозини фарқиға бормадингларми? — деб сўрабди. Шунда улоқча йиғлаб:

— Қаёқдан ҳам ажратайлик, ахир, бўри овозингизни фонограмма қилиб келибди, — дебди. Она эчки:

— Ҳа, фонограммага ўт тушсин! Бўриларниям фонограммага ўтказган шоу-бизнесчиларнинг дастидан дод! Ўрмондаям фонограмма!!! — деб фарёд қилибди...

«Йўлдаги гаплар» туркумидан

Инсон ажойиб. Ўрмонда адашиб қолиб ёрдам сўраб қилган хайқирғи ҳам йиртқичларда ҳаётга умид бағишлайди.

Қизик, бир нарсага амин бўлдим. Телефонимиз хотирасида (бу ҳаммадаям бор) инсонларнинг рақамини ўша инсоннинг сизга кераклиги учунгина эмас, баъзи бир жонга теккан одамларнинг қўнғироғига умуман жавоб бермаслик учун ҳам сақлар эканмиз.

Никоҳ маросимидан олдин.

— Қаранглар, никоҳ узугим енгилгина, кичкинагина экан-а!

— Укам, бу узукнинг бўйнингдаги тонналаб оғирлигию катта ташвишларини кейинроқ биласан.

Бахриддин ЗАЙНИДДИНОВ



Guliston 2015/1 41

«Сообщения» ва арапа оши

Биласиз, арафа куни қўшнилари бир-бирига палов тарқатишади. Ҳамма қўшнига ош тарқатиш имкони бўлмагани учун, кўпинча у қўшнидан чиққан ош устига озгина солиб бу қўшнига берилади.

Ҳайит куни Абдурайим акамни-кида гаплашиб ўтиргандик, телефонимга «сообщения» кеп қолди. Бир дўстимиз ҳайит билан табриклар жўнатган экан. Олдинроқ бошқа ўртоғимиздан келган «сообщения»нинг бошланишига «рахмат, сизни ҳам» деган сўзни қўшиб қайтариб жавобини жўнатвордим. Абдурайим акам ҳаммасини кузатиб турган экан. Мендан нима қилганимни сўради. Унга «сообщения» нима эканлигини, ёзишга эриниб бошқа бировдан келган табрикнинг устига озгина қўшиб жўнатворганимни айтдим. Шунда Абдурайим акам:

— Бу сабшения жўнатишам арапа оши тарқатишга ўхшарканда, — деди.

Пулим етмаган

Шариф акани «Шариф қассоб» деса, бутун учқўрғонликлар танийди. Бўйи икки метрдан зиёд, гавдаси ҳам шунга яраша, ўта сўзамол, ҳазилкаш одам.

Шариф ака уйланганига 5-6 йиллар бўлганида уч-тўртта улфатларни уйига таклиф қилибди. Меҳмонларни Шариф аканинг хотини пешвоз чиқиб кутиб олибди. Улфатларлар қарашса, хотинининг жуссаси Шариф аканинг гавдасидан деярли бир ярим баробар кичкина, ориққина аёл экан. Шунда улардан бири қувлиги тутиб:

— Шарифбек, ўзингни гавданг шкопдан катта, нега кичкина хотин олгансан? — деб сўрабди. Шариф ака пинагани бузмай:



Кўшимчи yashnatib kiyibsiz atlas

Табиатнинг ёрқин рангларини ўзида жилолантириб, кўрган кўзларни яшнатадиган атласни ардоқлаб киймайдиган, жавонида камида битта атлас кўйлаги бўлмаган ўзбек аёли борми!? Атласнинг номиёқ кўнгилга ранг-баранглик, байрамона кайфият беради. Шунинг учун атлас кўйлакни эъзозлаб, тўй-ҳашамларда, тантаналарда киямиз. У ҳақда кўшиқлар куйлаймиз: «Атлас кўйлак обермасанг, ёрим демасман», дея.

Асли аёл яралишдан гўзалликка, чиройли кўринишга мойил. Бироқ ҳар бир аёл алоҳида бўлгани учун ҳар бирининг ўзига хос ёқтирган, малоҳатини очадиган ранги бўлади. Бироқ уйғунлашган ранглар йиғиндиси — атлас ҳар бир аёлга ярашади. Ҳар бир соҳа бўйича ўзининг билимдони, ўз одами сўзлагани маъқул. Атлас матосининг миллий ўзлигимиз негизда тутган ўрни, тарихи, аҳамияти ҳақида Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори Холида Комилова билан суҳбатлашдик.

— Холида опа, сиз бир неча йиллардан буён атлас матоси устида самарали ишлаб келасиз. Нега айнан атласни танлагансиз?

— Атласни яхши кўрмайдиган аёл борми? Мен бу ўринда ўзбек аёлларини назарда тутмаяпман. Ҳозирги кунда атласни жаҳон аёллари ҳам яхши билишади, севиб кийишади. Мен, асосан, хонатласни яхши кўраман. Хонатлас арқоғи ҳам, ўриши ҳам ипақдан тўқиладиган атлас тури. Шунинг учун хонатлас сара ва қимматбаҳо бўлган.

— Сара бўлгани учун хонатлас номини олганми?


— Хонатлас дейилишининг бир нечта сабаблари ва бу ҳақда бир қанча ривоятлар бор. Бир томондан хонатлас деганда, фақат хонларнинг оиласидаги аёллар кийган, деган тушунча ҳам бор. Иккинчидан, матоларнинг ичида энг юқори турадиган, энг кўп меҳнат талаб қиладиган, энг чиройли, энг гўзал мато бўлганлиги учун хонатлас деб аташган.

Хонатлас — миллий маданиятимизнинг намунаси, белгиси деса ҳам бўлади. Чунки хонатлас фақат Ўзбекистонда яратилади. Кўшни мамлакатларда ҳам атласдўзлар бор. Лекин атласнинг тарихи ҳам, такомилли ҳам, бугуни ҳам бизнинг юртимиз билан боғлиқ. Эътибор қилганмисиз, табиатда етти ранг бор, дейишади. Хонатласда эса саккизтагача ранг ишлатилади. Ўз вақтида хонатласга ишлатиладиган рангларнинг ҳаммаси табиий ўсимликлардан олинган. Кейинчалик, миллий ўзлигимизни астойдил

йўқотишга киришилган даврларда хонатлас тўқилмай, технологиялар ҳам ишлатилмай кўйган. Кўп меҳнат эвазига, қиммат мато тўқилса, ҳеч ким киймаса, ускуналар секин йиғиштирилиб, четга суриб кўйилган. Афсуски, табиий ранг тайёрлаш технологияси ҳам унутилган. Ҳозир қайта тиклаш ишлари олиб борилиб, анча натижаларга ҳам эришилди.

— Шахсий ишларингизда оригиналликка қандай эришасиз?

— Бизнинг асосий ишимиз «Осиё рамзи» дизайнерлар уюшмаси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти дизайнерлари билан яратилади. Мустақиллик йилларига келиб миллий ўзлигимизга эътибор кучайгач, биз ҳам ишни миллий матоларимизни тиклаш, улар асосида замонавий либослар яратишдан бошладик. Бугунга келиб, хонатласнинг дунё миқёсида ўрни бор. Хонатлас кийиб Европами, Осиёми бирор мамлакатга борсангиз, «ўзбекмисиз?» деб сўрашади, ёки ўзаро «ўзбек, ўзбек» деб шивирлашади. Биз турли фестиваллар, учрашувлар, конференциялар ўтказамиз. Институти-мизда етти йил олдин биринчи марта «Хонатлас куни»ни ўтказдик. Бу кичкина тадбир эди. Ўша куни институт ходимлари, аёллари, талаба қизлар хонатлас кийиб келишди. Кутилмаганда жуда катта байрамга айланиб кетди. Ёш қизларимиз кўйлак, хостом, чопон, кимдир шарф боғлаб келди, лекин ҳаммамнинг кийимида атлас бор эди. Ўша йилдан бери бу тадбиримиз сеvimли бўлиб қолди. Айниқ-



са, ёшлар бу кунга алоҳида тайёрланишади. Энди усталар эски хонатласларнинг ранг-бўёқ, нақшларини тиклашапти. Шунингдек, хонатласнинг янги турларини ҳам ишлаб чиқишди. Демак, хонатлас бизнинг асосий либосимиз, миллий маданиятимизга бўлган муносабатимиз.

— **Демак, хонатласга муносабат кескин ўзгаришига эришилди?!**

— Албатта. Унга муносабат бугун бошқача. Ҳамisha талабаларимга хонатлас билан эҳтиёт бўлиб ишлашни, етти эмас, ўн ўлчаб бир кесишни таъкидлайман. Хонатласдан либос яратганда алоҳида ҳурмат билан қараш керак. Шунинг учун хонатлас тадбирларида ушбу матога етарли даражада эътибор қаратилганини алоҳида кўриб чиқамиз. Ҳозир замонавий шимлар ёки қанақадир тушуниб бўлмайдиган, кийимга ўхшамайдиган нарсалар тикиб кийишяпти. Биз тадбирларимизда, кўча-кўйда бунга йўл қўймаймиз. Ҳар бир миллий унсурга ҳурмат билан қарашимиз керак. Нафақат хонатлас, дўппилар, чопон, нимчалар, адрас, беқасам... Ҳар бир нарса, дарахт ҳам, гул ҳам эътибор билан яшнади. Миллийлигимизга қанча кўп эътибор қаратсак, четдан кириб келаётган тор, кўримсиз, бичими миллий менталитетимизга ёт бўлган кийимларга талаб шунча камаяди. Асосий мақсадимиз, ёшларимиз дидини ва миллий маданиятини, маънавиятини шакллантириш. Ёшлар эргашувчан бўлади. Замонавий технологиялар орқали бошқа давлатларнинг тараққиётини, ўзига хос томонларини ўрганиш яхши. Бироқ ёшларнинг «оммавий маданият»ни тараққиёт деб тушунишларига йўл қўёлмаймиз. Шунинг учун болалардан тортиб талабаларгача мода ҳафталиклари, фестивалларини ўтказамиз. Бунда нафақат дизайнерлар, балки қизиқувчилар ҳам иштирок этиши мумкин. Бу ҳам ёшларимиз диди, дунёқарашини шакллантиришга, мадани-

ятимизга, тарихимизга ҳурматни шакллантиради. Чунки либосларни яратганда талабаларимиз, албатта, тарихга мурожаат қилишади.

— **Бу йил ҳам хонатлас кунини ўтказасизми? Қамров доираси қандай бўлади?**

— Юқорида таъкидлаганимдек, бу йил ҳам май ойининг охирларида хонатлас кунини ўтказамиз. Тайёргарлик бошлаб юборилган. Бу ерда ёш дизайнерлар, малакали модельерлар, ҳаваскорлар бемалол иштирок этиши мумкин. Мақсадимиз ёшларга миллий кийимларимизнинг устунлигини аниқлаш. Ўзингиз биласиз, ҳар йили миллий либос фестивали бўлиб ўтади. Миллий либос фестивалига асосан чет элликлар келади. Бизнинг гоёларимизни олиб, ўзида ишлатади. Бироз вақт ўтганидан кейин Милан, Париж, Нью-Йорк мода ҳафталикларида бизнинг бичимлар, матолар, қайсидир элементларимиз саҳнада кўринади. Демак, биз мана шу йўналишда ўзимизнинг миллий, анъанавий кийимимиз билан жаҳон мода подиумига чиқдик. Бачканалик, нотўғри йўналишдан четланиб, ўзимизнинг менталитетимизга зид бўлмаган кийимларни яратяпмиз. Ўша фестивал ёшларимиз ва дизайнерларимизга ёқади. Ҳозир «Хонатлас куни»ни қизларимиз орзиқиб кутишяпти, тайёргарлик кўришяпти. Ўртоқлари, танишларини жалб қилишмоқда. Бошқа ўқув юрлари, вилоятлардан ҳам қизиқувчилар келишади.

— **Республикамиз микёсида ўтказиладиган йирик тадбирларда сизнинг ишларингизни кўп кузатамиз.**

— Саккиз йилдан бери барча давлат тадбирларида, эстрада-концерт билан боғлиқ томошаларда дизайнер сифатида фаолият юритаман. Бу жуда масъулиятли иш. Чунки бир тадбирнинг бошқасидан моҳиятан, мазмунан фарқи бор. Тадбир олди-дан режиссёр билан ҳар бир чиқишга, саҳнага, кўри-





нишга мос либосларни ишлаб чиқамиз. Бу, албатта, машаққатли иш. Бу борада дизайнер шогирдларим, ҳамкасбларим билан бирга ишлаймиз. Машаққатли ишнинг ҳосилини кўриш завқли бўлади.

— **Хонатласнинг нақши ҳақида гапирсангиз? Нега айнан шу шакл танланган?**

— Хонатласнинг турли нақшлари бор. Ҳар бир нақш ўз маъносига эга. Қадимда ота-боболаримиз одамларнинг, ҳайвонларнинг расмларини либосларда ишлатмаган. Шунинг учун гуллар, ўсимликлар, геометрик шакллар либосбоп матоларда кўп ишлатилган. Хонатласга келсак, бу хусусда ҳам турли қарашлар бор. Қалампиргулли, бодомчали, айлана, шахмат шаклли нусхаларнинг ҳар бири ўз тарихи, мазмунига эга. Кўпроқ камалак ва олов хонатласнинг асоси дейишади.

— **Атлас, адрас, беқасам сингари матолар бир-бирига яқин ва айти пайтда фарқли ҳам. Хонатласнинг алоҳидалиги нимада?**

— Рассом олдин нақшни яратади, танда ипига рангларни тушириб чиқади, ҳар битта белгиланган жойни бўяб чиқиш керак. Ҳозир хонатлас технологияси бўйича адраслар ҳам яратилмоқда. Хонатласдан адраснинг фарқи шундаки, ҳам шойи, ҳам пахта аралаш ип ишлатилади. Хонатлас эса тоза ипакдан тўқилади. Ипак толасининг даволовчи хусусияти ҳам бор дейишади. Ибн Сино асарларида юрак, бўқоқ, астма, тери касалликларини даволаш учун ипак, шойи матоларидан кийим кийиш керак дейилган. Қолаверса, ипак айнан бизнинг иқлимимизга мос матодир.



— **Кўйлак учун атлас танлаётганда қандай тамойилларга таяниш лозим?**

— Кўйлак учун атлас талабгорнинг диди ва яратилдиган кийим бичимига қараб танланади. Масалан, хонатласдан оддий кўкрак бурма кўйлакка майда тароқли, ёрқин рангли мато мос тушади. Ҳозир замонавий қизларимиз атлас чопон кийишяпти. Унга йирик гуллиси кўпроқ ярашади. Рангларни танлаганда кимдир ёрқин, кимдир кўзга ташланмайдиган рангларни танлайди. Ҳозир атласнинг турли ранглари мавжуд, танлашга кенг имкон бор.

— **Атласни замонавий аёл-қизлар нега танлаши кераклиги ҳақида тавсияларингиз...**

— «Хонатлас куни»ни ўтказиб бўлгач, фикрлар билан кўпроқ қизиқаман. Қизлар бувижонларининг сандигидаги кўхна хонатласларни сўраб олишар экан. Онахонлар ҳам набира қизларининг атласга қизиқишларидан қувонишади. Қизларимиз турмушга чиқишдан олдин сарполар тайёрлашади. Уша сарполарда, албатта, атлас, адрас бор. Қизлар сарполардаги хонатласларига бичим излаб келишади. Тавсиялар сўрашади. Демак, биз мақсадимизнинг бир қисмига эришдик. Атлас кийгандан кейин соч турмаклари, пардоз, тақинчоқларини ҳам шунга уйғунлаштиришади. Демак, қалбларида миллий ғурур уйғонади. Бирор миллатнинг миллий кийимини кўрмоқчи бўлсак, албатта, этнографиясига мурожаат қиламиз. Шунда аҳамият бердикки, кўпгина миллатларнинг миллий кийимлари ривожланмаган, такомиллашмаган. Қадимда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Шунинг учун фақат



китоблардан, альбомлардан, музейлардан топиш мумкин. Бизнинг миллий кийимларимиз эса узлуксиз ривожланишда. Чет элликлар бизнинг шу томонимизга ҳавас қилади. Миллийлик замонавийлик билан уйғунлашиб, такомиллашиб бораверади.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Хонатласга бўлган меҳримни янада оширдингиз. Кўшиқларда куйланган «Кўзларни қувнатган» атласни элимизга суюмли қилишдаги ишларингиз кўламли ва давомли бўлсин.**

Нигина ФУЛОМОВА суҳбатлашди



Qobil boboning ikki nabirasi — Shavkat bilan Shuhrat qo'shni xonada o'ynab o'tirishar edi. Nima bo'ldi-yu, ikkovlari bahslashib qolishdi. Shavkat yugurib bobosining oldiga chiqdi-da:

— Bobo! Kim odobli, menmi yoki Shuhratmi? — deb so'radi.

Qobil bobo hovliga chiqmoqchi bo'lib turgan edi. Uning kumush halqa qadalgan hassasi Shavkat bilan Shuhrat o'ynab o'tirgan uyda edi.

— O'g'lim, avval mening hassamni keltirib ber, keyin men o'ylab javob beraman, — dedi nabirasiga.

— Yo'q, avval aytasiz! — oyoqlari bilan polni tepib turib oldi Shavkat.

— Axir, o'ylab ko'rish kerak-da, — dedi Qobil bobo.

— Bo'lmasa, hassangizni keltirib bermayman, — deb Shavkat qaysarlik bilan polga o'tirib oldi, — keltirib bermayman.

Qobil bobo hassasini keltirish uchun o'rnidan endigina turgan edi, shu payt xonaga bobosiga salom berib Shuhrat kirib keldi.

— O'g'lim, hassamni sen keltirib ber! — dedi Shuhratga bobosi.

— Xo'p bo'ladi, bobojon! — dedi Shuhrat bobosining gapi tugamasdanoq.

U kumush halqa qadalgan hassani darrov keltirib, bobosiga berdi. Keyin o'rnidan turayotgan bobosining qo'lidan ushlab, turishga yordamlashdi.

— Rahmat, o'g'lim, — dedi Qobil bobo nabirasining peshonasini silab, — umring uzoq bo'lsin!

— Bobo, kim odobli? Menmi yoki Shuhratmi, ayting, axir?! — der edi Shavkat yer tepinib. Qobil bobo hassasini do'qillatganicha hovliga chiqarkan:

— Shuhrat odobli! — deb javob berdi.

Xudoyberdi TO'XTABOYEV

HASSA



Guliston 2015/1 45



fikr-fikrlar

* * *

Холмат ака, ҳали, «Менинг яримтам» деганингизда янгамни назарда тутдингизми, ароқними?

(Улфатларнинг луқмаси)

* * *

«Маълумки, йўқолиб кетаётган қуш ва ҳайвонлар «Қизил китоб»га киритилади. Мабодо, фарзандини ташлаб қўйган номардларнинг виждони «Қизил китоб»га киритилса, қалай бўларкин?»

(Соддадил овчининг таклифи)

* * *

— Келинингиз қундуз терисидан қилинган шуба олиб бермасангиз, ўзингизнинг терингизни шилиб оламан, деяпти.

(Ландавур йигитнинг онасига қилган шикоят)

* * *

**— Азизам, қалбимни синдирдингиз!
— Ҳечқиси йўқ, келган бало шунга урсин.**

(Йигитнинг севган қизидан эшитган жавоби)

* * *

Жамоамиз бош мураббийининг тактик кўрсатмалари озиш учун ўйлаб топилган парҳезларга жуда ҳам ўхшаш. Кўпинча фойда бермайди.

(Куюнчак футбол ишқибозининг гапи)

* * *

Мен сигарет чекишнинг зарарсиз йўлини топдим. Сигарет доналарида «Чекиш соғлик учун зарар» деган ёзув йўқ. Шунинг учун уни қутиси билан эмас, доналаб сотиб оламан.

(Ашаддий кашанданинг баҳонаси)

Musahhih daftaridan

* * *

Кўк тойни (**чойни**) қуюқ қилиб дамлади.

* * *

Товуқ (**совуқ**) баданни жунжиктирди.

* * *

Дўст ошга (**бошга**) қарайди, душман таёққа (**оёққа**).

* * *

Ичмасликка юз (**сўз**) бер.

* * *

Кеча жаҳли чиқиб кетган ҳофиз қўлидаги қорни (**торни**) отиб юборди.

* * *

Футболчи гўл (**гол**), уролмади.

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

1973 йилда таниқли таржимон, Бош муҳаррир ўринбосари Ваҳоб Рўзматов (Оллоҳ раҳмат қилсин) журналга таклиф этганлар. Шу йили журналнинг учинчи сониди биринчи кроссвордим босилиб чиққан. Мен бу билан фахрланаман. Шундан буён турли топқирлик машқларим ҳозирга қадар мунтазам мухлисларга ҳавола этиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида журнал бош муҳаррирлари Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Тилаб Маҳмудов, Азим Суюн, ходимлардан Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир каби ижодкорлар суҳбатида бўлиб, зарур маслаҳатларини олишга муваффақ бўлдим. Рассом Эмил Рўзибоев чизмалар аниқлиги борасида қимматли маслаҳат берганди. «Гулистон» учун махсус кроссвордлар ишлаш менга журналнинг доимий ўқувчиси бўлиш билан бирга зарур маълумотларни олишда манба ҳисобланади. Нашрнинг ижодкорларига бахт-омад тилайман.

Фозилжон ОРИПОВ

«ЭЗГУЛИК ҲИҚМАТЛАРИ» МУАММОНОМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Калит сўзлар: 1. Самарқанд. 2. «Баҳористон». 3. «Низомия» 4. Тошкент. 5. Огаҳий. 6. Фунча. 7. Ҳалок. 8. Яхши. 9. Йўқ. 10. Жон. 11. Шараф.


* * *

Яхшиликни сен ўзингга одат қил,
Ҳеч кишига ранжу озор бермагил.

* * *

Ҳиқматлар:
Қолдирай десанг жаҳонда яхши ном,
Яхшилик қил, яхшилик қилгил мудом.

Бунда яхшиликсиз ҳеч урма нафас,
Яхшилар одати фақат шудир бас.



«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ҲИКМАТЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Аввало, куйидаги халқ мақоллари ҳамда шоирларнинг ҳикматли мисралардан келтириб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

Халқ мақоллари:

1. Ақли қария оқиб турган — 7, 3, 4, 15.
2. Қари билганни 23, 3, 4, 2 билмас.
3. Каттани катта бил,
Кичикни 8, 2, 20, 2, 8 !
4. Қари бор унинг зари 1, 26, 4.
5. Ёшнинг ҳурмати — қарз,
Қарининг ҳурмати — 25, 3, 4, 13.
6. Қарияли 24, 22 — мактаб.
7. Ҳар кексада — бир 6, 3, 19, 5.
8. Қарида 27, 2, 11, 5, 3, 12 кўп.
9. Саъдий Шерозий:
Қарилик етиб қолса ишда агар,
14, 24, 4, 24, 28, 28, 3, 12 қилиб ҳолига сол назар.
10. Бўйин товлама кекса тадбирдан,
Қариларда бор тажриба, фикру фан.
12, 17, 14, 2, 4 қалъани ағдарур саъй этиб,
Қари фикру ёшлар қилич ишлатиб.

11. Сира бахтли ёшлар 21, 24, 4, 24, 4 этмагай,
Қарилар сўзидан узоқ кетмагай.
12. Алишер Навоий:
Кимки, улугроқ-анга хизмат керак,
Кимки, кичикроқ-анга шафқат керак.
Тутқил анинг 18, 24, 4, 14, 3, 12, 2 ичра зарур,
Қоидаи нуқтайи хайрул-умур.
13. Низомий Ганжавий:
Ёшлиқдир-ку асли дадилликка тож,
Гоҳида 2, 9 кекса ақлига муҳтож.
14. Доно ёш бўлса ҳам ишда серилож,
Гоҳи бўлур кекса 11, 10, 13, 2, 16, 3 муҳтож.

* * *

Энди чизмадаги рақамларни калит сўзлари жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан ҳикматли сўзлар ҳамда унинг муаллифи асли ота-боболари шахрисабзлик, Ҳиндистонда яшаб ўтган улуг шоир ва мутафаккир номи аён бўлади.

Чизманинг ўрта қисмидаги айланалардан бош ҳарфни топиб, бир хил миқдордаги айланаларни қолдириб ўқиш билан яна бир ўзбек халқ ҳикматини билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ тузди




O'zbekiston xalq rassomi Akmal NUR ijodidan

Акмал Нур рангтаصري... Бу гоят назокатли ва латиф ранглар олами билан юзма-юз бўлар эканмиз, энг аввало, ундаги сирли мулоқотлар, сеҳрли сукунатлар, мафтункор рамзлар, маъноли нигоҳлар, қанотида тушлар яширинган қушлар ва бедор инсоннинг ошиқона кўзлари, имо-ишораларга тўла бармоқлар тили бизни соҳир бир оламга олиб киради.

Мусаввир танлаган мавзулар ҳаракатдагидай кўринади. Аслида ҳам шундай: рессом ижодида ўзбекона ҳаёт, яшаш тарзи, анъаналар ҳаммага яқин, тушунарли ва аниқ бир макон тасвирларидай бўлиб, турли ракурслар ва шаклларда акс эттирилади.

Унинг ижодида Шарқнинг жозибали олами маънавий гўзалликка сингдириб юборилганлиги, комилликка интилиши, эзгулик каби энг яхши анъаналар тасвири фалсафий мазмун ва шоирона лирик оҳанг касб этади. Ғарб ва Шарқ, бугунги кун ва ўтмиш анъаналари уйғунлашган гўзал бу ижод намуналари бизга тонг шафақларининг мусаффо рангларидек мафтункор туюлади.

Нодир НОРМАТОВ



Кўнгил изҳори



Кўнгил тарозиси. Диптих.